

**М.О. Мусаева, З.И. Аташикова, Н.О. Шамадиева**

# **Адабий үқиш**

**Умумтаълим мактабларининг  
3-синфи учун дарслик**

Ш  
Алматы  
«Жазушы»  
2018

УДК 373.167.1  
ББК 83.3 (5 Узб) я 72  
М 92

### Шартли белгилар

Ўқийлик



Мақол



Ёзайлик



Тез айтиш



Сўзлашайлик



Топишмоқ



Суҳбатлашайлик



Биласизми?



Аниқлайлик



Изланайлик,  
ўрганайлик



**Мусаева М.О. ва б.**

**М 92 Адабий ўқиши. Умумтаълим мактабларининг З-синфи учун дарслик. / М.О. Мусаева, З.И. Аташикова, Н.О. Шамадиева – Алматы: Жазушы, 2018. – 164 бет, расмли.**

УДК 373.167.1  
ББК 83.3 (5 Узб) я 72

© Мусаева М.О., Аташикова З.И.,  
Шамадиева Н.О., 2018

© «Жазушы» баспасы, 2018

Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган.  
Нашрнинг мулкий ҳуқуқлари  
«Жазушы» нашриётига тегишли.

ISBN 978-601-200-604-9

І бўлим  
Жонни табиат



# 1

## ИЛК САБОҚ



1

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.



### Илк сабоқ

*Раим Фарҳодий*

Бугун роса шодландик,  
Мактаб томон отландик.  
Остонадан ҳатлаймиз,  
Дарсда шеърлар ёдлаймиз.

Илм олиб беҳисоб,  
Ўқиймиз қанча китоб.  
Ақл-идрок булоғи,  
Ўқувчининг ўртоғи.

Ёрдам аямас ҳар он,  
Устоз – энг азиз инсон.  
Устозга биз ҳавасда,  
Тақдим этдик гулдаста.

Бўлди рангин камалак,  
Устозга айтдик тилак.  
Жарангласин қўнғироқ,  
Дарслар бошлансин тезроқ!





2

### Сұхбатлашайлык.

1. Шеър кимлар ҳақида?
2. Сиз мактаб ва устоз ҳақида нима дея оласиз?



3

### Изланайлык.

1. Дүстларингиз билан устозлар ва мактаб ҳақидаги мақолларни айтинг.
2. Шеърдан устозлар ҳақидаги бандни топиб ўқинг ва дафтарингизга ёзинг.



4

### Сўзлашайлык.

Расмни кузатинг.



1. Болалар қаерга кетишиятти?
2. Улар йўлда нималарни кўришди?
3. Сиз мактабга кетаётганингизда қандай қушлар, ҳашаротларни учратасиз?

беҳисоб  
ақл-идрок  
рангин камалак  
илк





2

## ТАБИАТНИ АВАЙЛАЙМИЗ



1

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

### Табиатни авайлайлик

Олқор Дамин

Қүшчаларни қийнамаймиз,  
Қанотларини юлмаймиз.  
Үтларни пайхон қилмаймиз,  
Табиатни авайлаймиз!

Теравериб лолаларни,  
Ранжитмаймиз одамларни.  
Синдирмаймиз бодомларни,  
Табиатни авайлаймиз!

Минг хил гиёҳ, жониворлар  
Табиатни қилас дилбар.  
Келинг, бирга дейлик, дўстлар:  
Табиатни авайлаймиз!



2

Фикрлашайлик.

1. Шеър кимнинг номидан ёзилган?
2. Нима учун табиатни авайлаш лозимлиги ҳақида дўстларингиз билан фикрлашишинг.
3. Шеър мазмунига мос расм чизинг.
4. Шеърни ёд олинг.



3

Мақолни ўқинг, мазмунини тушунириинг.

Тинчлик билан эл кўкаар,  
Ёмғир билан ер.





4

### Сұхбатлашайлык.

Расмни кузатинг. Болаларнинг ҳаракатлари ҳақида дүстларингиз билан сұхбатлашиңг. “Құшларга ғамхұрлық” мавзусида оғзаки әмбебаптың түзінг.



5

### Үйланайлык.

Құшларнинг номларини катакларга жойлаштириңг, кроссвордни ечинг.

каклик

бойқуш


қарға

чумчук

бургут

каптар

пайхон  
ранжитмаймиз  
гиёх



## 3

## БАРГЛАР НЕГА САРҒАЯДИ?

Үқийлик.

1

### Барглар нега сарғаяди?

*Мұхаббат Щринбай қизи*



Куз келди. Типратикон одатдагидек әрталаб инидан чиқади. Шу пайт устига бир дона барг тушди. Типратикон олиб қараса, баргнинг ранги сап-сариқ экан. У босини күтариб дараҳтларга қаради. Дараҳтларнинг

у ер-бу ерида сариқ барглар пайдо бўлибди. Қечаги кунгача дараҳтда сариқ барг йўқ эди. “Қизиқ барглар нега сарғаяр экан-а?” – деб ўйлади типратикон.

Саволига жавоб топиш ниятида баргларни игнасига илиб олди-да, ўрмон бўйлаб кетди. Йўлда унга олмажон учради. У қиши учун ёнғоқ йифиб юрган экан.

– Олмахон, сен билмайсанми, кузда барглар нега сарғаяди? – сўради типратикон.

– Кузда улар касал бўлади, шунинг учун сарғаяди, – деди олмахон.

– Нега касал бўлади? Қара, у касалга ўхшамайди, – деди типратикон.

– Нега касал бўлмасин? Совуқда барглар тугул мен ҳам касал бўлиб қоламан, ўшанды менинг ҳам рангим сарғайиб кетади, деди олмахон.

Олмахоннинг жавоби типратиконга ёқмади. У баргни игналарига илиб, йўлида давом этди. Йўлда олдиндан тулки чиқди.

– Тулкивой, сен билмайсанми, нега кузда барглар сарғаяди? – сўради типратикон.

– Биламан, кузда менинг рангим устингдаги баргнинг рангига ўхшайди. Шунга бекинишим осон бўлади, – деди тулки.

Типратикон бироз ўйланиб турди, лекин бу жавоб ҳам унга ёқмади.

– Барглар сен учун сарғаяди, деб ўйламайман, – деди типратикон ва йўлда давом этди...

– Болалар, сиз нима деб ўйлайсиз, барглар кузда нега сарғаяди?



2

### Сўзлашайлик.

1. Типратикон қандай ҳодисага дуч келди?
2. У саволига жавоб топиш учун кимлар билан учрашди?
3. Типратиконнинг саволига ўрмондаги қайси жонивор тўғри жавоб беради деб ўйлайсиз?
4. Эртакни саҳналаштиринг.



3

### Топишмоқни топайлик.



Хавф бўлса копток бўлиб,  
Игна кўрпа ёпади.  
Зумда кўз очиб туриб,  
Илгарилаб чопади.

ходиса  
зумда  
илгарилаб



# 4

## КУЗ ФАСЛИ



1

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг ва ёд олинг.

### Куз фасли

Эсон Рахимов

Давра қуриб турналар,  
Бошимизда айланар.  
Будир куз фасли базми,  
Она ерга таъзими.

Олтин фасл – куз фасли,  
Заршуносликтир асли.  
Ундан қирлар, тоғ – олтин.  
Ундан ерлар, боғ – олтин

Мевалар ҳам мўл-у кўл,  
Не есанг ҳам бол ейсан,  
Кузга: “Офарин”, дейсан.

Бундай олтинлигин ҳам  
Тенгсиз тотлилигин ҳам  
Айтсам битмас сири бор:  
Унда меҳнат тери бор.





2

### Сўзлашайлик.

- Шеърда куз фасли нима учун “олтин фасл” дейилган?
- Куз фаслида қандай мевалар пишади?
- Дала ва боғларда куз фаслида бажариладиган юмушлар ҳақида сўзлаб беринг.



3

### Фикрлашайлик.

Мақолларни ўқинг ва мазмунини тушунириинг.

Кузнинг бир куни қишининг бир ойини боқар.

Кузнинг қозони қуюқ қайнар.

Ер ҳайдасанг, куз ҳайда,  
Куз ҳайдамасанг, юз ҳайда.


**заршунослик  
тengсиз  
тотлилигин  
юмушлар**



4

### Изланайлик.

“Дунётаниш” дарсидан олган билимларингиз асосида дўстларингиз билан жониворларнинг кузги ҳаёти ҳақида постер тузинг.



# 5

## ҚОВУН САЙЛИ



1

Ўқийлик.  
Матнни ўқинг.

### Қовун сайли

Сафар Барноев

Дам олиш кунларининг бирида буваси Нодирни қовун сайлига таклиф қилди. Нодир келиши билан буваси уни полизга олиб кетди. Пушталар оралаб юрар экан, буваси унга тушунтиради:

– Мана бу томонда босволди деган қовун. Ҳу ана униси шерозий ҳув қўзичоққа ўхшаб ётгани-қорақанд. Буниси – гулоби.

– Нодир бувасидан қовунларнинг номини эшитиб, анграйиб қолди. Уларнинг фамилиялари ҳам борми, деб сўрашдан ўзини тийди. Буваси коптоқка ўхшаган қовун тепасига келиб тўхтади:

– Бунинг номи – бўрикалла. Гўштдори – шу.

Нодир Бўрикалла деган сўзни эшитиб бувасига қаради. Унинг кўз олдига ҳайвонот боғидаги бўри келди. Буваси гап нимадалигини дарров тушунди.

– Ҳа-ҳа, номи шунақа, – кўз қисди буваси, ке, шунисини татиб кўрайлик. Буваси бир қучоқ келадиган қовунни кафтида кўтариб, уни чайла томон бошлади.

– Қани патнисни олиб кел.

Буваси қовунга пичоқ тортиши билан тирсиллаб ёрилди.

– Вой, қовун йиртилди, – деди кўзлари ола-кула бўлиб Нодир.



– Ўғлимей, – хандон ташлаб кулди буваси, бу азбаройи ширага ботганидан. Қовун йиртилмайди. Шарбатга тўлса, худди шундай ёрилади. Буваси унга “коса” қилиб берди. Нодир ярим “коса” емасдан қўлини тортди:

- Тўйдим, – деди.
- Кечроқ ерсан, – деди буваси. – Энди, ўғлим, кечаси шу чайлада қолиб, полиз қўриқлаймиз. Мен билан қоласанми?
- Нодир “қоламан” деб розилик берди. Анчагача буваневара полиз ёнида ёнбошлаб, гаплашиб ўтиришди...
- Бува, бува, – Нодир шошиб бувасининг пинжига кирди.
- Ҳа, ўғлим?
- Бир нима тарс этди, – қўрқиб жавоб берди Нодир.
- Ҳа, қовун – повун ёрилгандир, ётақол, ўғлим. Нодир қулоғи динг бўлиб атрофга қулоқ тутди. Полизнинг этагидан яна “тарс” этган товуш келди. Энди у бувасини уйғотишдан чўчиди. Аммо ўзи ташвишга тушди. Қовунларнинг ҳаммаси бу кеча ёрилиб кетса-я?

Нодир шу ташвишда ўйлай-ўйлай ухлаб қолди.



2

### Сўзлашайлик.

1. Сиз ҳам қовун сайлига борганимисиз?
2. Қандай қовун навларини биласиз?
3. Қовунларнинг етилиб пишиши учун қандай шароитлар зарур деб ўйлайсиз?

пушталар  
гўштдор  
хандон ташлаб  
азбаройи  
пинжи

# 6

## ФАЛАТИ ОВЧИ



1

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

### Фалати овчи

Рауф Толиб

- Ҳа, дўстим, димоғинг чоғ...
- Овдан қайтдим, ўртоқ.
- Даданг билан сен яна  
Овлабсан-да, бедана?
- Йўқ.
- Тўқайга қўйиб қопқон
- Овладингми ё қуён?
- Йўқ.
- Ё қушни олиб мўлжал  
Килдингми уни ўлжа?
- Йўқ.
- Ҳа, топдим, сойдан балиқ  
Тутиб кетгансан, аниқ.
- Йўқ.
- Нима овладинг,вой-вой,  
Ўзинг шартта айт, қўй.
- Мен тоғларнинг чиройин,  
Қушлар куйин овладим...
- Тушунолмай ҳеч гапга  
Дўстин боши ғовлади...



2

### Фикрлашайлик.

- Шеърнинг мазмуни асосида дўстларингиз билан сухбатлашинг.
- Бола “тоғларнинг чиройин”, “қушлар куйин” қандай овлаши мумкин?
- Шеърни дўстингиз билан ролларга бўлиб ўқинг, саҳналаштиринг.



3

### Изланайлик.

- Катталар ёрдамида интернетдан ов қилиш қоидалари ҳақида маълумотлар тўпланг.
- Маълумотларингизни дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



4

### Ёзайлик.

- Каримжон қушга тош отиб қанотини синдирган болага хат ёзмоқчи.
- У нима деб ёзиши мумкин?
- Сиз ҳам ўз фикрларингиз асосида хат ёзинг.



5

Топишмоқни ўқинг ва жавобини топинг.



Атлас кўйлак қаноти,  
Хуш хабарчи одати.

димоғинг чоғ  
ғовлади

## 7

## АСАЛАРИ БИЛАН ПАШША



1

Үқийлик.  
Матнни ўқинг.

## Асалари билан пашша

Константин Ушинский

Кеч куз. Баҳорда ҳам камдан-кам учрайдиган ажо-йиб қуёшли кун: кумуш булутлар тарқалиб, шамол тинган, офтоб чиқиб, худди сўлиган ўсимликлар билан хайрлашаётгандек мулойим боқарди. Офтоб ва илиқ ҳавони қўмсаб уйларидан учиб чиққан тукдор асаларилар шўх-шўх визиллаб, кўкатдан – кўкатга учиб юришади, улар асал қидириш учун эмас (чунки асал ҳеч қаерда қолмаган эди), шунчаки увшаган қанотларини ёзиб, вақтичоғлик қилгани учиб чиқишиган эди.

– Мунча тентаксизлар, нега бунча хурсанд бўлмасанглар? – деди уларга пашша. У шу ерда – кўкат устида тумшуғини осилтириб, маъюс ўтиради.

– Наҳотки, бу офтоб бир зумлик эканини, ҳам шу бугуноқ шамол туриши, ёмғир ёғиши, совуқ бошли-



ниб, ҳаммамиз нобуд бўлишимиз мумкинлинини бил-  
масангиз?

– Зув-зув-зув! Нега нобуд бўларканмиз? – деб паш-  
шага жавоб қилишди қувноқ асаларилар.

– Биз офтоб чиқиб турганда ўйнаб-куламиш, ҳаво ай-  
ниса, ўзимизнинг иссиққина уямизга кириб оламиш, у  
ерга ёз бўйи ишлаб кўп асал ғамлаб қўйганмиз.



2

### Суҳбатлашайлик.

1. Нима учун пашша маъюс эди?
2. Асалариларнинг уяларини кўрганмисиз?
3. Асаларилар асални қачон, нималардан йигишади?
4. Дунётаниш дарсида олган билимларингиз асосида  
асалари ва пашшаларнинг ҳаёти ҳақида сўзлаб  
беринг.



3

### Изланайлик.

Асалари ва пашшани Венн диаграммаси асосида  
таърифланг.




4

### Топишмоқни топинг.

Бир палак,  
Бир палакда  
Ўн икки ҳандалак.

мулойим  
кўмсаб  
тукдор  
увушган  
вақтичоғлик  
маъюс



# 8

## АЖОЙИБ БАҲС



1

Ўқийлик.  
Эртакни ўқинг.



### Ажойиб баҳс

Хидоят Олимова

Ўрмонга ўт кетибди.  
Ўрмон дарахтлари дарё-  
дан ёрдам сўрашибди.

— Сен оловдан қудрат-  
лисан. Бизни қутқар.

Дарё ўрмонни оловдан асраб қолибди.

— Дунёда ундан кучлироқ нарса йўқ. Ҳеч нарса унинг қудратига тенг келолмайди, деб мақтовлар ёғдиришибди дарахтлар.

— Қуёш нурлари мендан кучлироқ. У бир забтига олиб ер-у кўкни қиздирса, биз буғга айланиб кўкка кўтарилимагиз, — дебди дарё.

— Қуёш бу гапларни эшитиб: “Тун келиши билан менинг ҳукмим ўтмай қолади. Тун мендан кучлироқ”, — деб тан олибди. Аммо тун ҳам ундан кучлироқ, бўлган ер ҳукмига бўйсинишини айтибди. Буни эшитган ер эътиroz билдирибди:

— Кўксимни ёриб тоғ ўсиб чиқмоқда. Агар у мендан кучли бўлмаганида бунга унинг ҳадди сиғармиди?

— Чиндан ҳам тоғ метиндеқ мустаҳкам. Балки энг кучлиси тоғдир? Келинглар, унинг ўзидан сўраб кўрамиз.

— Тоғ бу баҳс мунозараларни бир четда жимгина кузатиб турган экан.

— Мен-ку юмшоққина ер бағрини ёриб чиққанман, — дебди у. Аммо бағримни ёриб минглаб гул-чечаклар ўсиб чиқмоқда. Демак, улар мендан құдратлироқ бўлса керак.

Тонг елларида нафас олиб чайқалаётган гул-чечакларга:

— Айтинг-чи, сиз чиндан ҳам дунёда энг кучлимисиз, ҳеч нарсадан қўрқмайсизми? — деб савол беришибди.

Шунда яшил тўнли, қизил янокли бир гул уларнинг баҳсига шундай нуқта қўйибди:

— Дарё қуёш нурларидан қўрқса қўрқар, аммо биз қўрқмаймиз. Ахир биз қуёш нурларини эмиб кўкка бўй чўзамиз. Қуёш тундан қўрқса қўрқар, аммо биз ундан ҳам асло қўрқмаймиз. Биз тун кириши билан ором оғушида дам оламиз. Тун ердан қўрқса қўрқар, аммо бу қўрқув бизга бегона. Тоғ бағрини ёриб қуёшга интилсак, асло у биздан озор чекмасин. Гул-чечаклардан бошига нафис рўмол ўраймиз. Уни томоша қилгани сув булутлар пастлаб ўтаётганини, қушлар эса атрофида чаҳ – чаҳлашиб сайрашаётганини кўряпсизларми? Биз дарё ва олов оташидан ҳам қўрқмаймиз. Дарё сувлари буғланиб, бошимизга ёғмаганида, дарров қуриб, ҳас-чўпга айланардик. Оловда ёнмоқ эса қисматимизда бор. Кўрдингизми, биз бир-биrimизга қанчалар керакмиз.



2

### Сўзлашайлик.

1. Сизнингча эртак қаҳрамонларининг энг кучлиси ким?
2. Агарда улардан бирорта-си бўлмаса, табиатда қандай ўзгаришлар бўлар эди?

қудратли  
забтига  
хукмим  
эътиroz қисмат  
ҳадди  
янок  
оташ



## ҚИЗИҚАРЛИ ОЛАМ

Үқийлик.

1

### Ранг – баранг табиат


Биласизми болалар, биз яшаб турған олам жуда ҳам гүзәл ва ғаройиб. Энг чаққон жониворлардан бири бўлган юмронқозик бир дақиқа ичида уя қазиб, душманларидан яшириниб олади. Бу жонивор бир кун давомида 68 метрдан 76 метргача узунликдаги туннел қазиш имкониятига эга. Бу эса таҳсинга сазовор, албатта.



Асалари болини ёқтирмайдиган бола бўлмаса керак. Аммо шуни ҳам билиб қўйиш керакки, асал йиғиш жуда ҳам мураккаб иш экан. 1 кг асал йиғиб олиш учун меҳнаткаш асалари 2000000 гулга қўниши керак бўлар экан.




Дунёдаги энг сезувчан жониворлардан бири акулалар бўлиб, улар ўзга балиқлар қўрқув ҳиссини жуда яхши ҳис эта олишади.



Она табиат бағрида сир – синоат шу қадар күп эканки, инсон ҳанузгача унинг поёнига етиб бора олгани йўқ.

Шундай синоатлардан бири шиллиқурт бўлиб, унинг 25000 та тишлари бор экан. Бу митти жонивор мана шундай мўъжизавий яратилган.



2

#### Суҳбатлашайлик.

- Юмронқозиқ нимадан яширинади?
- Асалари уясини тасвирлаб беринг.
- Акуланинг қандай зарари бор деб ўйлайсиз?
- Шиллиқуртни қаерларда учратгансиз?



3

#### Изланайлик.

Заарарли ва фойдали ҳашаротлар ҳақида постер тайёрланг.



4

#### Ўйланайлик.

#### Қувноқ саволлар.

- Филнинг хартумига неча литр сув сиғади?
- Қуш боласини қандай чақиради?
- Булут нима учун йиғлайди?
- Чинор ниманинг рамзи?
- Ўрмонда қайси дараҳт кўп учрайди?

туннел  
сир-синоат  
хартум



10

## БҮЛİM ЮЗАСИДАН ТАКРОРЛАШ



1

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

### Хавотир

(ҳазил шеър)

*Oриф Тұхтас*

Бир кун қүнғиз уйига,  
Чақирди қирқоёқни.  
Дўсти келмасдан бурун,  
Супурди ҳамма ёқни.  
Ертўланинг тўридан,  
Мехмон учун жой солди.  
Шу заҳоти қирқоёқ,  
Лапанглаб келиб қолди.  
Кираверинг, деб қўнғиз,  
Ўзи ўтирди секин.  
Бир соат ўтса ҳамки,  
Ундан дарак йўқ лекин.  
Мезбон ҳам ҳайрон бўлиб,  
Эшикни очса бундоқ –  
Қирқинчи калишини,  
Ечар эди қирқоёқ.



қирқоёқ  
ертўла  
мезбон



22



2

### Аниқлайлик.

Расмда нечта ҳайвон ва нечта қүш борлигини аниқланг, номларини айтинг.



3

### Аниқлайлик.

Қүшлар ва ҳайвонлар нима билан озиқланишини биласизми? Болакай уларнинг емишларини алмаштириб қўйди. Унга хатосини тўғирлашга ёрдам беринг.





4

**Савол биздан, жавоб сиздан.**

1. Ёмғир табиатта қандай таъсир қиласы?
2. Сувнинг тозалиги нима учун керак?
3. Нега Ер онага тенглаштирилади?
4. Табиатни асралашнинг аҳамиятини айтинг.  
Уни асралашга қандай ҳисса қўшиш керак деб ўйлайсиз?




5

**Аниқлайлик.**

Ребусни ҳал қиласангиз, бўлимга доир мақол ҳосил бўлади.



Ж



+ да



К



И

+



И



6

**6. Бошқотирмани топинг.**

1. Қайси ҳашарот бир кун яшайди?
2. Нон қандай дондан тайёрланади?
3. Эшик очик бўлса ҳам .... кир.
4. Омборга осса бўлади, паловга босса бўлади.
5. Полиз экини.

	4	5	3
1			
2			

II бўлим

Нима яхши-ю,  
нима ёмон



11

## НИМА ЯХШИ-Ю, НИМА ЁМОН?



1

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

### Нима яхши-ю, нима ёмон?

*Шухрат Шоҳ*

Билайлик бизлар учун,  
Нима яхши ё ёмон.  
Диққат билан сўзимни,  
Тингланг азиз, ўртоқжон.

Юриш керак озода,  
Кўча куйда, уйда ҳам.  
Кир юрсак, “Бу боланинг, –  
Дерлар, эси жуда кам”.

Интизомли бўлсак биз,  
Катталар бўлишар шод.  
Тўполнон қилсак улар,  
Хуноб бўлиб, дерлар “дод”.

Ёлғон сўзлаш ёмон иш,  
Қилмайлик ҳеч тўполон.  
Меҳр берсак китобга,  
Ақлимиз ўсар чунон.

Яхшидир тонгда туриб,  
Юз-қўлни тоза ювиш.  
Ёмон одат эриниб,  
Ювилмаса агар тиш.

Яхши-мактабдан бориб,  
Уст-бошимиз тахласак.  
Одобсизликдир-қуёш  
Чиққунича ухласак.

Керакдир катталарга,  
Салом бериб ўтишлик.  
Хунук иш оналарнинг,  
Сумкаларин титишлик.

Уй ишида қарашиш,  
Керак ота-онага.  
Ахлат ташлаш ёмондир,  
Уй ичига, хонага.

Катталар гаплашганда,  
Жим туриш ҳам одобдан.  
Ёмондир сақланмаслик,  
Иссик кунда офтобдан.

Шу шеърни ёдлаш учун,  
Варак-қалам олинглар.  
Шу сўзларни, илтимос,  
Ёдда сақлаб қолинглар.



2

### Сұхбатлашайлык.

1. Шеър кимнинг номидан ёзилган?
2. Шеърни ўқиганингизда кўз олдингизга қандай воқеалар келади?
3. Шеърда қандай яхши ҳаракатлар ҳақида айтилганини ўз сўзларингиз билан тушунтиринг.
4. Шеърнинг истаган тўртта тўртлигини ёд олинг.



3

### Изланайлик.

Дўстларингиз билан шеърнинг мазмунин асосида постер тайёрланг.



4

### Сўзлашайлик.

Шоир Шуҳрат Шоҳнинг “Нима яхши-ю, нима ёмон?” шеърида яхши ва ёмон одатларга берилган таърифларни икки гурӯҳга ажратинг ва ўз таърифингизни беришга ҳаракат қилинг.

#### Яхши одатлар

---

---

---

#### Ёмон одатлар

---

---

---

ИНТИЗОМЛИ  
ХУНОБ  
ЧУНОН

# 12

## ВИЖДОНИ ПОК БОЛА



1

Ўқийлик.  
Матнни ўқинг.

### Виждени пок бола

(Ривоят)

Бир етим бола йўл четида туриб, совуқ шамолда музлаб қолган қўлларини чўзиб ўтганлардан садақа сўрар эди.

Раҳмдил бир одам унинг яланг оёқларига, очилиб ётган кўкрагига шамолда тўзғиган соchlарига қараб, кўзёш тўкибди.

Боланинг ҳовучига олтин танга ташлаб, йўлида давом этибди.

Бола тангани дастлаб оддий чақа деб ўйлабди, сўнг унинг олтин эканлигини кўргач ҳайратга тушибди: “Бу одам менга адашиб тилла танга бериб юборди, дарҳол у кишини топиб, пулинини ўзига қайтариб бериш им керак” – дебди.

Орқасидан югуриб, ҳалиги одамга этиб олибди.

– Амаки, менга адашиб чақа ўрнига тилла танга бериб юборибсиз, олинг, – дебди бола.

Раҳмдил киши унга узоқ тикилибди, кўзларига ёш келибди.

— йўғлим, — дебди сўнг. — Шу олтинни ол, бугун уйингга бориб қорнингни тўйдир, сенга интиқ турганларни ҳам тўйдир, байрам қил. Бу олтин танга сенинг хулқинг учун мукофотdir.

(“Болалар учун ибратли ҳикоялар” тўпламидан)



2

**Сўзлашайлик.**

1. Ривоят қандай бола ҳақида?
2. Боланинг ҳаракатини сиз қандай баҳолайсиз?
3. Раҳмдил киши олтин тангани нима учун қайтиб олмади?
4. Ривоятни дўстингиз билан саҳналаштиринг.



3

**Изланайлик.**

Ҳалоллик, ростгўйлик ҳақида мақоллар айтинг.  
Уларнинг 3 тасини дафтарингизга ёзинг.



4

**Аниқлайлик.**

Идишлардаги бўғинларни фақат бир марта ишлатиб ўқисангиз, мавзуга оид ҳикматли сўз ҳосил бўлади.



виждони пок  
садақа  
яланг оёқ  
ҳайрат  
интиқ  
хулқинг

# 13

## ЧИН ВА ЁЛГОН

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

### Чин ва Ёлғон

*Пўлат Мўмин*

Бир оғиздан чиқса ҳам икков,  
Чинга Ёлғон бўлар эди ғов.  
Ёлғон гоҳо оғиз тўлдириб  
Ваъда бериб роса кўпириб.

Сирим асло очилмасин деб  
Юрап Ёлғон ич – этини еб.  
Шу сабабдан эгри йўл чизар,  
Анқов билан лақмани излар.  
Ёмонларнинг кўнглини чоф этар,  
Яхшиларни йўлдан чалғитар.

Хурмат – иззат топганидан Чин,  
Юрап эди мисоли лочин.  
Чин – қуёшнинг нурига ўхшар,  
Унинг билан ҳаммаёқ яшнар.  
Чин инсонга сув ва ҳаводир.

Ҳар нарсага доимо қодир.  
Кимки бўлса Чинга ҳамроҳ, дўст,  
Унда бўлмас сира кам-у кўст.  
Душмандан ҳам баттардир ёлғон,  
Унга дилдан бермангиз макон.



2

### Сўзлашайлик.

- Шеър кимлар ҳақида ёзилган?
- Чин ва ёлғон ҳақида яна нималар биласиз?
- Шеър қаҳрамонлари “Чин” ва “Ёлғон” ни Венн диаграммасида таърифланг.
- Икки қаҳрамоннинг қайси бири билан дўст бўлар эдингиз? Нега?



3

### Ўқийлик, ўйнайлик.

Тўғри ва жуда тез ўқинг. Ким бир нафасда кўп ва тўғри ўқиса, ғолиб бўлади:

Беш бармоқ, беш бармоқ,  
Биринчиси бош бармоқ,  
Иккинчиси кўрсаткич,  
Бешинчиси – жимжилок.



4

### Фикрлашайлик.

Берилган мақоллар ва ҳикматларни ўқиб, мазмуни асосида дўстларингиз билан фикрлашишинг.

- Ростгўйлик – эзгуликка етаклайди.
- Ёлғоннинг умри қисқа.
- Ёлғон сўзлашга одатланманг.  
Хар доим рост сўзлашга ўрганинг.

лақма  
чалғитар  
ҳамроҳ  
макон  
эзгулик

# 14

## ТҮЛАБ БЕР



1

Ўқийлик.

Матнни ўқинг.

### Түлаб бер

Ф.Мусажанов

Марҳамат опа Салимани ювиб – тараб, янги кийимларини кийгизибди.

– Бугун сени меҳмонга олиб бораман, уларнинг сен тенги Шаҳло деган қизи бор, бирга ўйнайсизлар, – деди.

Салима ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди. Қутичани очиб, ўзи тиккан каштани олди.

– Шаҳлога бераман, деди ойисига қараб. Она-бола отланиб, йўлга тушишди.

Уй эгалари меҳмонларини жуда яхши кутиб олдилар. Салима Шаҳлога совғасини берди. Шундан кейин иккала қизалоқ бирпасда иноқ бўлиб кетишиди.

Катталар ўзлари билан ўзлари овора эдилар. Салима билан Шаҳло ҳовлига чиқиб, олдин кувлашмачоқ ўйнашди. Кейин бир-бирларига ёд биладиган шеърларини айтиб беришиди.

– Кел, боғча-боғча ўйнаймиз, – деб қолди Шаҳло.

– Бўпти, – деди Салима. – Қўғирчоқни қаердан оламиз? Шаҳло уйдан катта қўғирчоқ олиб чиқди.

– Мен мураббий бўламан, – деди Шаҳло.

– А, мен доктор бўламан, – деди Салима.

Дугоналар қўғирчоқни чўмилтиришиди, кийинтиришиди. Овқатдан кейин ётқизиб ухлатишиди. Ундан кейин давра қуриб, ўйинга тушишиди. Салима қўғирчоқни бағрига босиб айлананаётган эди, қоқилиб, йиқилиб тушди. Тагида қолган қўғирчоқ пачақ-пачақ бўлиб кетди. Шахло қўғирчоғини кўрди-ю, додлаб йиғлаб юборди.

– Тўлаб бер, ҳозир тўлаб бер, қўғирчоғимни, – деб ер депсиниб қичқирди у.



Тиззалари шилиниб кетган Салима оғриқни ҳам унутиб, довдираб қолди. Шаҳло ҳамон тинмасдан уввос кўтарарди. Салима нима қилишини билмай, чўнтакларини кавлади, ўйинчоқ соати бор экан. Шаҳлога узатиб:

Кўғирчоғинг ўрнига шуни ола қол.

— Керак эмас. — Шаҳло соатни улоқтириб ташлади. — Кўғирчоғимни тўлаб бер! Тўлаб бер, деяпман сенга! — У шанғиллаб ҳовлини бошига кўтарди.

Шовқинг оналари югуриб чиқишиди. Воқеани әшитиб, Шаҳлони овутмоқчи бўлишиди. Шаҳло эса баттарроқ қилди, ерга думалаб йиғлади. “Конфет берамиз бундан яхшироқ бошқа қўғирчоқ олиб берамиз” — дейишса ҳам, кўнмади. Салима бошини кўтаролмай, ерга тикилганча қолди.

Шаҳло роса додлади. Охири ойиси бир амаллаб тинчитди. Шундан кейин Салима билан ойиси меҳмонда яна бирпас ўтиришиди.

“Кетамиз, ойижон”, — деб суркалверди.

Кейин Салима ва ойиси мезбонлар билан хайрлашиб, уйларига қайтишиди. Йўлда кетаётгандарида Салима, иккала кўзида жиққа ёш, ойисига термилиб:

— Ойижон, энди мен ҳеч қачон меҳмонга бормайман, — деди.



2

### Сўзлашайлик.

1. Ҳикоядаги “ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди” мисраларини қандай тушунасиз?
2. Салиманинг “Энди мен ҳеч қачон меҳмонга бормайман” дейишига нима сабаб бўлди?
3. Сиз ҳам меҳмонга борганимисиз?
4. Сиз уйда меҳмонларни қандай кутиб оласиз?
5. Шаҳло мезбонликни тўғри бажардими?
6. Меҳмонлар ҳақида мақоллар ёки урф — одатларни айтинг.

кашта  
отланиб  
мураббий  
уввос

## 15

## ҚИЗ БОЛА ФАЗИЛАТИ

1

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

## Қиз бола фазилати

*Шуҳрат Шоҳ*

Кулоқ туting менга бир зум, Товушни баланд қўйиб,  
Сўзим бўлманг айтайин. Гапириш одобданмас.  
Тингланг мени, қизларжон, Тирноғимиз бўлса кир,  
Сизга бир гап айтайин. Ҳеч ким қилмайди ҳавас.

Ширин сўз, мулоийимлик, Тиш ювайлик ҳар куни,  
Энг ёқимли фазилат. Туради у ялтираб.  
Ўзин сипо тутишлик, Сочларимизни ювиб,  
Қиз болага хос хислат. Юрайлик ўриб, тараб.



Дугонажон, бўлайлик,  
Саранжом-у саришта.  
Бизлар ўрнак бўлайлик,  
Бошқаларга ҳар ишда.

Ўйинчоқни бузмайлик,  
Йиртмайлик китобни ҳам.  
Иш қуролни асройлик,  
Синмасин ручка, қалам.

Қаттиқ кулмас қиз бола,  
Катталар қиласр уят.  
Одобли бўлсак бизлар,  
Макташар бизни ҳар вақт.

Ота-она ҳурматин,  
Қўяйлик жой-жойига.  
Улар кирса эшикдан,  
Гул тўшайлик пойига.

Супуриб ҳовлимизни,  
Идишларни ювайлик.  
Чангларни артиб қўйиб,  
Озода қиз бўлайлик.

Шунда ота-онамиз,  
Биздан хурсанд бўлади,  
“Асал қизим”, деб суюб,  
Бизни дуо қилади.



2

### Сўзлашайлик.

1. Шеър кимнинг номидан ёзилган?
2. Шеърда қиз болага хос қандай фазилатлар ҳақида ёзилган? Уларни дафтaringизга ёзинг.
3. Синфингиздаги қайси қиз болада шундай фазилатлар бор?
4. Ота-онангиз сиздан хурсанд бўлганда қандай сўзлар билан эркалатади?



3

### Мақолларни ўқинг ва мазмунини тушунириинг.

Киз бола уйнинг гули.

Ахлоқ – одоб – баҳт  
Сабр – тоқат – таҳт.

сило  
пойга  
сабр-тоқат

Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан.

# 16

## ТҮГРИНИНГ КҮНГЛИ ТҮҚ



1

Ўқийлик.  
Матнни ўқинг.

### Түгрининг күнгли түқ

(Эртак)

Деворнинг ёнма-ён ковагидан мўралаб турган икки сичқон офтоб тушиб турган жойда ёнгоқ еяётган боғбонни қўриб шивирлашибди:

– Одати қизиқ экан. Сўраб келган қўшни сичқонларга кўтарганча ёнгоқ берармиш. Биз ҳам қўшнимиз – ку, юр, – дебди биринчи сичқон.

– Зотимизни ёмон кўради – ку! Мен ишонмайман. Битта-битта ёнгоқ бериб алдаб юборса керак.

– Унга билдирмай ёнгоқ ташисан ҳам бир қишига етгулик ёнгоқ йифиб қўяман, – дебди иккинчиси. Биринчи сичқон хуш тавозе билан боғбондан ёнгоқ сўрабди.

– Тўғрилик билан сўраб келганингдан хурсандман. Неча дона ёнгоқ кўтара оласан? – дебди боғбон.

– Учта.

Боғбон учта ёнгоқни бир парча латтага тугиб унга берибди-да:

– Йўлда кимни кўрсанг, сўраб олдим, дегин. Шунда сенга ҳеч ким индамайди. Ўз яқинларингга ҳам айт. Қўшни ҳақи деб уларга ҳам ёнгоқ бераман.

Тугунчани шахдам кўтариб уйга кетаётган сичқон йўлда шеригини учратибди. Боғбон ерга энгашиб турганда, шериги битта ёнгоқни ўғирлаган экан. Қўрқув билан келаётгани учун юзидан оққан терга мўйловлари



хўлланиб шалпайган. Бунинг устига қўшнисининг учта ёнғоқни бемалол кўтариб келаётганидан бўшашибдими, ёнғоғи қўлидан учиб кетибди.

Боғбоннинг “Ҳай ўғри!” деган овози эшитилибди. Учган ёнғоқни олмоқчи

бўлаётган ўғри сичқон бир иргиб тушибди-ю, қочиб қолибди.

– Яхшиям унинг гапига кирмаганим. Бўлмаса, ўғри бўлиб қўлга тушардим, – дебди шериги.

“Тўғрининг кўнгли тўқ, эгрининг йўли йўқ” деб шунга айтадилар-да!



**2**

### Фикрлашайлик.

1. Эртак кимлар ҳақида ёзилган?
2. Нима учун иккинчи сичқон бир дона ёнғоқни ҳам кўтара оламади?
3. Эгрилик ва тўғрилик ҳақида яна қандай эртаклар ўқигансиз?
4. Сичқонлар иштирок этган қандай мультфильмларни биласиз?
5. Эртак мазмуни асосида расм чизинг.


хуш товозе  
шахдам  
кўнгли тўқ



**3**

### Топишмоқни топайлик.

Танга-танга тўни бор,  
Миттигина кўзи бор,  
Сузса сувлар жимиirlар,  
Қамишлар ҳам қимиirlар.



## САЛОМЛАШИШ ОДОБИ



1

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

### Саломлашиш одоби

*Шухрат Шоҳ*

Ахлоқ тўри, минбари,  
Ширин сўздир, қаломдир,  
Шу сўзнинг дур, гавҳари,  
Билсангиз, бу – саломдир.


Кексалар учраган он,  
Дарров қилинг табассум,  
Ва айтинг-ки, ўртоқжон,  
“Ассалому алайкум”.

Салом сўзин маъноси,  
Тинчлик тилаш, дегани.

Чекинсин дил ғавғоси,  
Соғлик улаш, дегани.

“Ассалому алайкум” –  
Қалбга яқин бу қалом.  
Айтишар ўтмай бир зум,  
“Ваалайкум ассалом”.

Бузиб айтманг ҳеч қачон  
Бу табаррук сўзни сиз.  
Эсли – хушли болажон,  
Кўринамиз шунда биз.



Алик олиб кексалар,  
Бошингизни силайди,  
Шунда сизга ҳам улар,  
Соф – омонлик тилайди.

Одобли ўғил – қизлар,  
Зийнатдир ҳар чаманга,  
Одобли бўлиб бизлар –  
Зеб бўлайлик Ватанга.



2

**Сўзлашайлик.**

1. Шеър ким томонидан айтилган?
2. Тўғри саломлашиш тартибини биласизми?
3. Дўстингиз билан ўзбек, қозоқ, рус, инглиз тилларида саломлашишни кўрсатиб беринг.
4. “Саломлашиш – одобнинг боши” мақолининг шеър мазмунига мослигини тушуниринг.



3

**Ўрганайлик.**

Саломлашиш сўзларини ўқинг ва билиб олинг.

Ассалому алайкум!  
Вaalайкум ассалом!  
Саломатмисиз?  
Аҳволингиз яхшими?  
Соф – омонмисиз?  
Раҳмат!



4

Мақолларни ўқинг. Мазмунини ўз сўзларингиз билан тушуниринг.

Ота олдида кек турма,  
Одобингга чек урма.

Ота-бола – бир боғ,  
Бири – гул, бири боғбон.

минбари  
каломдир  
дил ғавғоси  
табаррук  
если – ҳушли

## ОЗОР БЕРМА



1

Ўқийлик.  
Матнни ўқинг.

## Озор берма

(Ривоят)

Сайднинг ойиси ҳар якшанба куни сомса қилар эди. Ойиси ҳар сомса қилганида бувиси: “Болам, қўшнига озор берманг”, дер ойиси эса: “Хўп бўлади, ойижон”, деб бир тарелка сомсани қўшниникига чиқариб берар эди. Бир куни Сайд бувисидан: Бувижон, нега ойим ҳар сомса қилганларида “Қўшнига озор берманг”, дейсиз? деб сўради. Бувиси эса: “Ойинг пиширган сомсанинг ҳиди уларнинг димоғига киради, улар ҳам сомса егиси келиб, озорла- нишади. Агар сомсадан берса, еб кўнгиллари таскин топади”, деди.

Шунда Сайд кеча мактабда синфдоши Аҳрор катта- кон олмани карсиллатиб еганини бошқа болалар эса унинг олмасига ҳавас билан қарашганини эслаб сўради: “Кеча Аҳрор мактабда ҳамманинг олдида олма еди, демак у ҳаммага озор берибди-да?! “Албатта”, жа- воб берди бувиси. “Лекин



у олмасини ҳаммага бўлиб берса, ўзига ҳеч нарса қолмас эди-да”, деди Сайд. “Ундей бўлса, панароққа ўтиб ейиш керак”, – деди бувиси.



2

### Суҳбатлашайлик.

1. Қўшниларга озор бермаслик ҳақида яна нималарни биласиз?
2. Бувисининг Сайдга синфдошларга озор бермаслик ҳақидаги фикрларини топиб ўқинг.
3. Яна кимларга, нималарга қандай ҳолатларда озор бермаслик ҳақида дўстларингиз билан суҳбатлашинг.



3

### Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг ва ёд олинг.

## Мехр – оқибат

*Олқор Дамин*

Дилларни боғ эт,  
Вақтимиз чоғ эт,  
Кўксимиз тоғ эт,  
Мехр – оқибат,  
Мехр – оқибат!

Камайиб кетма,  
Бизни тарқ этма,  
Дилни ўкситма,

Мехр – оқибат,  
Мехр – оқибат!

Гул бўлиб очил,  
Ҳар ёнга сочил,  
Сенга тўймас дил,  
Мехр – оқибат,  
Мехр – оқибат!

озор берманг  
озорланишади  
таскин  
чоғ эт  
тарқ этма



4

### Сўзлашайлик.

1. “Мехр – оқибат” деганда қандай ҳаракатлар кўз олдингизга келади?
2. Сайднинг бувисини “Мехр – оқибат” ли дея оламизми? Нега?

19

## АҲИЛ ДҮСТЛАР



1

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

### Аҳил дүстлар

*Пўлат Мўмин*

Бир мактабда яхши довруғ  
Тарқаб кетди яқинда.  
Барча қувнаб гапиради  
Икки ўртоқ ҳақида.

Бир партада ўтиради  
Икки ошна дарсида  
Жуда жуда аҳил улар  
Ака – ука тарзида.

Бир – бирига хўп меҳрибон,  
Кўнгил тушган кўнгилга.  
Шу сабабдан икковининг  
Иши юрар ўнгига.

Ўқитувчи гапларини  
Бир қулоқдай тинглашар.  
Зехн қўйиб, ҳушёр туриб  
Дарс мағзини англашар.

Гап – сўзлари бирам ширин,  
Ўзлари ҳам ёқимтой.  
Оталари,

## Оналари – Булардан шод ҳойнаҳой

Баҳоланса бундай дўстлик,  
“Беш” баҳо ҳам оз бўлар.  
Ёшлиқдаги қалин дўстлик,  
Бир умрга соз бўлар.

Бошқалар ҳам сезишсайди  
Аҳил дўстлик нафини.  
Кўпайишин истар эдим  
Бундай дўстлар сафини.



2

### Суҳбатлашайлик.

1. Шеърни ўқиши давомида шеърдаги болаларга нисбатан қандай муносабатларни ҳис қилдингиз?
2. Сизнинг синфингизда шундай дўстлар борми?
3. Дўстлик, аҳилликни нима учун улуғлаймиз?



3

### Изланайлик.

Ўртоқларингиз билан “Дўстлик – яхши фазилат” мавзусида постер тайёрланг.



4

### Мақолларни ўқинг, мазмунини тушинтиринг.

Дарё тармоғи билан,  
Одам ўртоғи билан.

давruz  
зехн қўйиб  
мағзини  
нафини

Одамни кийим, кўнгилни дўст безайди.  
Дўст минг бўлса ҳам – оз,  
Душман бир бўлса ҳам – кўп.

20

## БҮЛИМ ЮЗАСИДАН ТАКРОРЛАШ



1

**Савол биздан, жавоб сиздан.**

1. Бўлимдаги қайси шеър, матн ёки эртак сизга кўпроқ ёқади? Нима учун?
2. “Виждони пок бола” ривоятининг мазмуни бўлимдаги қайси асар мазмунига ўхшаш?
3. “Бузиб айтманг ҳеч қачон  
Бу табаррук сўзни Сиз”  
Мисралари қайси шеърдан олинган? Муаллифи ким?
4. Бўлимда ўқиган асарларингиздаги ижобий ва салбий қаҳрамонларни санаб беринг.
5. Бўлимда шоир П.Мўминнинг қандай шеърларини ўргандингиз?



2

**Изланайлик.**

Ўртоқларингиз билан “Тўғрининг кўнгли тоғ” эртагини саҳналаштиринг.



3

**Ёзайлик.**


Бўлимда ўрганганларингиз асосида яхши фазилатлар ҳақида ҳикоя ёзинг.



4

**Фикрлашайлик.**

Расмларни кузатинг. Болаларнинг ҳаракатлари ҳақида дўстларингиз билан фикрлашинг.



44




5

**Топайлик.**

Ребусни түғри ечсангиз, ўзбек халқ мақолларидан бирини ўқийсиз.



+**a**+ **Л**  
**и** **ш** +

**с**  
**к****к**+**и****б** **а**  
**ж** **о** **н** + **м****и**

6

**Аниқлайлик.**

Топишмоқларни ўқинг ва жавобларини топинг.

Эртак, шеър-у матнлар  
Яшар бир мамлакатда.  
Дунёни ўрганишда  
Унинг хизмати катта.



Кўпроқ бўлса, ол дейди.  
Камроқ бўлса, сол дейди.  
Ҳалолликда барака,  
Менга қулоқ сол, дейди.





III бүлүм

# Вакт



21

## СОАТ



1

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

### Соат

*Набижон Қодиров*

Кўнғироқлар қўйилар,  
Устма – уст, жиринг – жиринг.  
Дангасага туюлар,  
Дегандай – “туинг – туинг”.

Уйғонмай ҳали хўroz,  
Кунда шу ғиринг – ғиринг.  
Ухлаб олайин бироз,  
Демай тур, туинг – туинг.

Оҳ, болалик қандай соз  
Гаштини суринг –суринг.  
Кетиб қолар, ёшлиқ оз,  
Туинг-э! Туинг – туинг!





2

### Сұхбатлашайлык.

1. Шеър ким ҳақида ёзилған?
2. Сиз қун тартибиға риоя қиласизми? Сүзлаб беринг.
3. Нима учун “әрта туриш фойдали” дейилади?
4. Математика дарсида ўрганғанларингиз асосида вакт ўлчовлари ҳақида айтиб беринг.
5. Шеърнинг охирги түртлигини ўқиб, мазмунини ўз сўзларингиз орқали тушунтиринг.
6. Шеърни ёд олинг.



3

### Изланайлик.

1. Эрта туриб тонг отишини кузатинг. Кўрганларингизни ўртоқларингизга сўзлаб беринг.
2. Кузатганларингиз асосида тонг отиши манзарасини тасвирлаб расм чизинг.



4

### Мақолларни ўқинг. Мазмунини тушунтиринг.

Тонгда қилсанг ҳаракат,  
Ишингда бўлар баракат.

Режасиз иш – қолипсиз ғишт.

Вақтинг кетди – нақдинг кетди.



5

### Топишмоқни топайлик.

“Чиқ-чиқ” дер, йўқ тўхтови,  
Вақтнинг аниқ ўлчови.



ғириңг-ғириңг  
гаштини суринг  
баракат  
нақдинг

## ВАҚТНИНГ ҚАДРИ



1

Ўқийлик.  
Матнни ўқинг.

### Вақтнинг қадри


(Ривоят)

Қадим замонда бир олим қуёш соатини ихтиро қилибди.

Шаҳарнинг ўртасидаги майдонга узун қозик қоқиб, одамларга ундан фойдаланишни ўргатибди.

Одамлар соатдан фойдаланишни ўрганганларидан кейин ҳаётлари тартибга тушиб, ишлари ва топиш тушиларида барака пайдо бўлибди.

Орадан йиллар ўтиб, олим дунёдан ўтибди. Шаҳар аҳолиси қуёш соатини олимдан қолган ёдгорлик сифатида сақлаб қолиш мақсадида атрофни ўраб, устига чиройли гумбаз қурибди.



Лекин ишни тугатиб қарашса, соат энди вақтни кўрсатмай қўйибди. Қилган ишларидан афсусланишибди, аммо иншоотни бузишни исташмабди.

Орадан кунлар ўтибди, одамлар энди бу ерга кам келадиган бўлишибди. Чунки бунинг фойдаси йўқ эди. Улар аста – секин соатни унута бошлишибди. Кунларидан ва ишларидан барака кетибди, сабаби улар вақтнинг қадрини эсдан чиқаришибди.

(“Тарбия китоби” дан)



2

### Сўзлашайлик.

1. Олимнинг ихтироси одамлар ҳаётига қандай таъсир қилди?
2. Одамлар қандай хатоликка йўл қўйиши?
3. Нима учун соат вақтни кўрсатмай қўйди?
4. Қандай соат турларини биласиз?
5. Соат тўхтаб қолмаслиги учун нима қилиш керак?
6. Нима учун вақт, соатни билиш зурур деб ўйлайсиз?



3

### Тез айтайлик.

Ҳалимани санама,  
Салимани сана.

ихтиро  
топиш-тутиш  
ёдгорлик  
гумбаз  
иншоот

Боқининг бақлажони бақ – бақалоқ.

Тошмат тошни тоғдан ташиди.



4

### Изланайлик.

Интернетдан ёки энциклопедиядан соатнинг тарихи ҳақида маълумотларлар тўпланг ва ўртоқларингизга таништиринг.

23

## ВАҚТНИНГ ҲАЖМИ ҚАНЧА?

1

Үқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

### Вақтнинг ҳажми қанча?

Ҳамза Имонбердиев

Ўйлаб кўрсам, вақт деган  
Резинали тўрхалта,  
Неки солсанг ичига  
Сиғаверар, зўр халта.  
Масалан, бир соатда  
Нималар қилиш мумкин?  
Китоб, газета ўқиш,  
Самокат миниш мумкин.



Дўстинг билан уришиб,  
Мумкин ҳатто ярашиш  
Торт еётган укангга  
“Ёрдамлашиш”, “қарашиш”.  
Алғов – далғов қилиб, сўнг  
Мумкин йифиш уй ичин.  
Кўчириши мумкин ҳатто  
Телефонда уй ишин.

Ҳаракат зўр бўлса, вақт  
Резинали тўрхалта.  
Неки солсанг ичига  
Сиғаверар, зўр халта.



2

### Сұхбатлашайлык.

- Шеърда вақт нимага ўхшатылған? Нима учун?
- Бир соат ичида нималар қилиш мүмкін экан?
- Сиз бир соат ичида қанча ишни бажаришга улгу-расиз? Дафтaringизга ёзинг.
- Вақтдан түғри фойдаланиш учун нима қилиш керак?



3

### Үқийлик, ўйнайлик.

Дүстларингиз билан “Тез үқиши” ўйинини ўйнанг. Бир дақиқада ким күп сўз үқиса, ўша ғолиб бўлади.



4

### Топишмоқни топайлик.

Топишмоқларни ўқинг ва жавобини айтинг.

Икки киши ўйнайди,  
Узок – узок ўйлайди.  
Аломати “Кишт” ва “Шоҳ”,  
Қани, топ-чи, эй Фаттоҳ?



Сирли таёқ,  
Ичи бўёқ.



“К” харфидан бошланиб,  
“К” билан бўлар тамом.  
Баъзан ўқиши ойнаси  
Дейишар, бу қандай ном.



резинали  
тўрхалта  
самокат  
кишт  
шоҳ

24

## АЙРИЛГАННИ...



1

Ўқийлик.  
Матнни ўқинг.

### Айрилганни...

Латиф Махмудов

Куз келиши билан барглар қўнғир тусга кириб, дайди шамолнинг ҳамласига дош беролмай чирт-чирт узилиб тўкилишаркан. Шундай бўлса ҳам бирор барг ўз қисматидан нолимас экан. Аммо бир ўжар барг ўз шерикларидан ажраб, новдага маҳкам ёпишиб олибди.

- Юр биз билан, – дейишибди ўртоқлари, – ёлғиз қолма!
- Йўқ, – дебди ўжар барг, – сизларга ўхшаб қор ёмғирлар остида қолиб, чириб кетайми?
- Нега ундей дейсан? – дебди ўртоқлари.



– Биз она ерга сингиб мадад берамиз, шарофатимиз билан келгуси йил янги барглар кўкаради, шунда қайта яшарамиз. Ёлғиз қолма, қор-бўронларда ҳолинг не кечади?

– Майли, – дебди ўжар барг, – сизларга қўшилиб оёқости бўлгандан кўра ёлғиз яшаганим афзал!

Ўртоқлари уни гапга кўндиrolмай афсус билан ерга бош кўйишибди.

Қиши келиши билан ҳамма ёқ қорга бурканиб, изғирин шамол эсибди. Ўжар барг қалт-қалт титраб, ваҳима билан новдага маҳкамроқ ёпишиб олган экан, новда, вақт ғаниматда пастга шерикларинг олдига тушиб ол, дегандек силкинибди. Бироқ ўжар барг қулоқ солмабди. Шамол уни ҳар куни туртқилайверибди. Бечора барг ҳолдан тойибди ва изғирин шамолнинг яна бир ҳамласига бардош беролмай чирт этиб узилибди-ю, чирпирак бўлиб учиб кетибди.

Шу кетганича ном-нишонсиз йўқолибди.



2

### Сўзлашайлик.

1. Ўжар барг нима учун дўстлари билан кетмади?
2. Унинг аҳволи нима бўлди?
3. Ҳикоядан қандай сабоқ олдингиз?
4. “Ҳамма нарса ўз вақтида яхши” ибораси ҳикоя мазмунига тўғри келадими?
5. Ҳикоя мазмуни асосида расм чизинг.



3

### Мақолни ўқинг.

Мазмунини тушунтиринг.

Айрилганни айиқ ер,  
Бўлинганни бўри ер.

дош беролмай  
қисмати  
нолимас  
шарофатимиз  
афзал  
изғирин  
вақт ғанимат  
ном-нишонсиз

25

## УНУТМАЙМАН

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

1

### Унутмайман

*Қамбар Ота*

Илк марта партага,  
Секин ўтқазиб,  
Жажжи қўлгинамга,  
Қалам тутқазиб,  
Менга ҳарф танитган  
Қалби жаҳонни,  
Унутмайман асло,  
Ўша инсонни.  
Онамдай меҳрибон  
Тутиб ўзини,  
Ёзишни ўргатган  
ОНА сўзини.  
Деган мана бундай  
Ёзилар ОТА.  
Доим ёдингда тут,  
Бу – азиз ВАТАН.  
Шу кичик зеҳнимда  
Таратиб зиё,  
Ёришгандай бўлди  
Бағримда дунё.  
Сўнг кўп сўзлар ёздим:  
САДОҚАТ, ТИНЧЛИК,  
Дилимга қўйилди

**ҲАЛОЛЛИК, ДҮСТЛИК!**  
Доим юрагимда  
Улуг мұхаббат,  
Бириңчи муаллимим,  
Сизге минг раҳмат!



**2**

**Сўзлашайлик.**

1. Шеър кимнинг номидан айтилган?
2. Шеър қаҳрамонининг бириңчи муаллими ҳақидаги фикрларига сиз яна қандай фикрларни айтар эдингиз?
3. Муаллимнинг энг бириңчи ўргатган сўзлари ҳақидаги мисраларни топиб ўқинг.
4. Сиз ўзингизнинг бириңчи муаллимингиз ҳақида нима дея оласиз?



**3**

**Изланайлик, ёзайлик.**

1. Ота-онангиздан бириңчи муаллимлари ҳақида сўраб суҳбатлашинг.
2. Шеър мазмуни ва ота-онангиз билан суҳбатингиз асосида бириңчи муаллимингизга атаб хат ёзинг.
3. Ёзган хатингизни ўртоқларингизга ўқиб беринг.

қалби жаҳон  
таратиб зиё  
бағримда дунё

## КЕЛАЖАКНИНГ ЎЗИСИЗ



1

Ўқийлиқ.

Шеърни ифодали ўқинг.

### Келажакнинг ўзисиз

*Юсуфжон Ҳамдам*

Сизлар Она – Ватаннинг  
Ҳеч сўнмас чироқлари.  
Бахти кулган чаманинг  
Ўғил – қиз дўмбоқлари.

Ҳар сатримни ёзганда  
Болалигим бўлар ёд.  
Сизни қувноқ кўрганда  
Гўзал кўринар ҳаёт.

Фахрланар сиз билан  
Халқимиз кеча – кундуз.  
Эртага равшан боққан  
Кўзингиз ёруғ юлдуз.

Келажакнинг ўзисиз,  
Ота қўнглин сўзисиз.  
Бахти балқиган элнинг  
Бахтли ўғил-қизисиз.





2

**Сўзлашайлик.**

- Шеър кимлар ҳақида ёзилган?
- Сиз ўзингизни “бахтли ўғил – қиз” дея оласизми?  
Нима учун?
- Шеърдаги қуидаги қаторлар мазмунини тушунириб беринг:

“Эртага равshan боққан  
Кўзингиз ёруғ юлдуз”.

- Шеърни ёд олинг.



3

**Изланайлик.**

Ўқиганларингиз асосида ўртоқларингиз билан “Биз – Ватанинг эртаси” мавзусида постер тайёрланг.



4

**Аниқлайлик.**

Кроссвордда қандай сўзлар яширганини топинг.

	B		K	
K	A			M
K	T		B	
M	A		T	B
	H		H	

сўнмас чироқлари  
равshan боққан  
бахти балқиган

# 27

## БҮЛİM ЮЗАСИДАН ТАКРОРЛАШ



1

### Изланайлик.

1. Расмларни кузатинг. Уларни тартиб билан жойлаштирсангиз, ўқувчининг кун тартибини тузасиз.



2. Дўстларингиз билан кун тартибингиз ҳақида сұхбатлашинг.



2

### Тез айтайлик.

Тез айтишларни ўқинг ва тез-тез айтинг.

Қобил қозонда қовурдоқ қовурди  
Қодир қақиллаган қарғага қаради.

Салима, Саида, Сокина сахифани синчиклаб  
ўқидилар.

Тез айтгин-у, тез гапир,  
Тез айтганга бир патир.



### **Аниқлайлик.**

Дүстларингиз билан биргаликда ребус тузинг.  
Тузган ребусингиздан билимга доир мақол ҳосил  
бўлсин.

### **Ўйлайлик, ўйнайлик.**

Ҳар бир ҳарфга ким кўп сўз топса, ғолиб бўлади.

B-  
A-  
K-  
T-



### **Савол биздан, жавоб сиздан.**

1. Бўлимдаги қайси шеър ёки ҳикоя сизга кўпроқ ёқди? Нима учун?
2. Қуидаги сўзлар бўлимдаги қайси ҳикоя ёки шеърга тааллуқли эканини топинг: жиринг-жиринг, тўрхалта, барг, иншоот, ҳарф, баҳтли.
3. Вақт ҳақида нималарни билиб олдингиз?  
Ўртоқларингиз билан сухбатлашинг.
4. “Унутмайман” шеърининг муаллифи ким?
5. Л.Маҳмудовнинг қайси ҳикояси билан танишдингиз?



IV бүлүм

# Меъморчилик



# 28

## ИСТИҚЛОЛ



1

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

### Истиқлол

Жуманиёз Жаббаров

Мустақиллик не демак,  
Не демакдир Истиқлол?  
Буни билмоғинг керак,  
Маъносини дилга сол.

Ўз юртинг – ер – самоси,  
Шаҳри гулшан, маъвоси,  
Тонгда эсган сабоси,  
Тоғи, боғи, дарёси –

Энди ўз молу мулкинг,  
Ўз қўлингда ўз эркинг.

Юртинг нурга беланиб,  
Кўрингайдир кўзингга,  
Барча олтин – гавҳари,  
Буюрсин-а ўзингга.  
Энди ўзингга боғлиқ  
Не экиб, не олмоғинг.  
Ўқиб дунё әрур билмоғинг.  
Эрка фарзандсан элга,  
Тезроқ улғай, топ камол,  
Фууринг солиб дилга,  
Сеникидир истиқлол.





2

### Сүзлашайлик.

1. Шеър қайси байрам ҳақида ёзилган?
2. Мустақиллик байрамини қачон нишонлаймиз? Бу йил Қозоғистон Республикаси Мустақиллигининг неча йиллиги?
3. Шеър мазмунидан нималарни билиб олдингиз?
4. “Тезроқ үлғай, топ камол,  
Фууриң солиб дилга,  
Сеникидир истиқтол” мисралари мазмунини ўз сўзларингиз орқали тушуниринг.



3

### Суҳбатлашайлик.

1. Расмларни кузатинг Ватанимиздаги қадимий ва замонавий меъморчилик иншоотлари билан танишинг.
2. Улар ҳақида нималар биласиз?



ер – самоси  
маъвоси  
ўз эркинг

29

## ХУНАР ЎРГАН



1

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

### Хунар ўрган

Набижон Қодиров

Хунарлар кўп дунёда  
Бир-биридан зиёда,  
Йигитга кони фойда,  
Хунар ўрган.  
Илм – фанни қил эъзоз,  
Қанча билсанг, шунча оз,  
Хунар қилсанг яна соз,  
Хунар ўрган.  
Зўр наққош бўл, ўймакор,  
Ошпаз ёки кандакор,  
Меҳнатдан ҳеч қилма ор,  
Хунар ўрган.  
Майли қийналсин жонинг,  
Бекор ўтмасин онинг,

Бутун бўлади нонинг,  
Хунар ўрган.  
Меҳнат ғамни аритар,  
Сени элга танитар,  
Бекорчилик қаритар,  
Хунар ўрган.  
Қани, ўғлим, боғла бел,  
Хунарлини суяр эл,  
Енгни шимар, бери кел,  
Хунар ўрган.  
Қулолдир уста Наби,  
Назмга мойил таъби,  
Болаликдан у каби  
Хунар ўрган.





2

### Сўзлашайлик.

1. Шеър кимга қарата ёзилган?
2. Шеърда атаб ўтилган касб – хунарлар номларини айтинг.
3. “Зўр наққош бўл, ўймакор,  
Ошпаз ёки кандакор” мисраларидаги қайси  
сўзлар қурувчиликка хос деб ўйлайсиз?
4. Меъморлар кимлар? Улар қандай ишни  
бажаришади?



3

### Бу қизиқ. Билиб олинг.

Туркистон шаҳридаги Хўжа Аҳмад Яссавий мақбраси (XIV–XV аср) Ўрта Осиё ва Қозогистондаги тенги йўқ тарихий ёдгорлик ҳисобланади.

Бу меъморчилик санъатининг асл намунаси 1397 йили буюк саркарда Амир Темур буйруғи билан азиз авлиёлар Султони Қул Хўжа Аҳмад Яссавий бобомизга чексиз ҳурмат тариқасида қурила бошлаган.



наққош  
ўймакор  
кандакор  
онинг  
назм  
мойил таъби

30

## КЕКСА КУЛОЛ ВА ШОГИРД

1

Ўқийлик.  
Хикояни ўқинг.

### Кекса кулол ва шогирд

Бир муйсафид кулолнинг уйига ўғлини бошлаб келибди. Унга хунар ўргатишни илтимос қилибди. Кулол рози бўлибди.

Шогирд кулолникида соз тупроқ қазибди, сув ташибди, лой қилибди, ўчоқقا ўт қалабди. Хуллас, унинг айтганларини бажо келтириб юрибди.

Орадан бир неча қиши ёз ўтибди. Шогирд: “Кулолчиликни миридан сиригача билиб олдим, энди югур-



дак бўлиб юраманми?” – дебди-да, устоздан жавоб сўрабди.

Кулол бўлса:

– Ўғлим, ҳунар инжиқ нарса, сабр-тоқат қилиб, яна бирор йил менга қарашиб, ўрганиб турганинг маъқул эди, – дебди.

Шогирднинг сабри чидамай, устозини холи-жонига қўймай, фотиҳасини олибди.

Катта бозорда дўкон очган кунлари харидорлар унинг пиёла, чойнак, кўзачаларини талашиб олиб кетишибди. Устози бўлса: “Майли, охири хайрли бўлсин!” – деб ўз юмушини давом эттираверибди.

Орадан бироз вақт ўтар-ўтмас шогирдининг иши юришмай қолибди, унинг молларини харид қилмай қўйишибди. У ясаган лаган, товоқларнинг сирлари хиралашиб, кўчиб кетаётган эмиш. Охири шогирд дастмоясидан ажраб, кўп азият чекибди. Нихоят, кулолникоға пушаймон бўлиб қайтиб келибди.

Кулол унинг жонига тағин оро кирибди. Кунлар ўтибди. Шогирдига кулол:

– Болам, алаҳсимай, разм солиб тур! – дебди-да, қуриган идишларини бир-бир пуфлаб, сўнгра сир берибди. Шунда лаган – у товоқларнинг чироий янада очи-либ, ярқираб кетибди.

Шогирд энди унинг ҳунарини батафсил әгаллаб олишга астойдил бел боғлабди.



### Сўзлашайлик.

1. Ҳикоя қаҳрамонлари кимлар?
2. Нима учун шогирднинг иши юришмади?
3. Ҳикоядан қандай сабоқ олдингиз?
4. Ҳикоя мазмунига мос мақоллар айтинг.



### Изланайлик.

Расмларни кузатинг. Бу бинолар қаерда жойлашган?



### Биласизми?

1. “Хазрат – Султон” мачитининг муаллифи меъмор – Сағиндиқ Жанболатов бўлса, янги давр меъморчилигининг тимсоли бўлган “Астана – Байтерак” иншоотининг меъмори эса Ақмурза Рустамбековлардир.
2. Улар ҳақида интернет тармоқларидан қўшимча маълумот тўпланг.

**соз тупроқ  
миридан – сиригача  
харидор  
дастмоя**

## ҚАЛДИРФОЧ УЯСИ



1

Ўқийлик.  
Шеърни ифодали ўқинг.



### Қалдирғоч уяси

*Туроб Ниёз*

Менда зарра қолмади гумон –  
Зўр ишлайди қушлар мияси.  
Ҳайратларга солади ҳамон,  
Қалдирғочнинг лойли уяси.

Қаранг, қандай ишланган пухта,  
Қуш – меъморнинг буюк ғояси.  
Бирлашибди юз минглаб нуқта –  
Қалдирғочнинг лойли уяси.



Болаликни ёдимга солар,  
Ортаверар қалбим ҳаваси.  
Ҳаётимни нурга тўлдирав,  
Қалдирғочларнинг лойли уяси.



2

**Сўзлашайлик.**

1. Шеър нима ҳақида ёзилган?
2. Сиз ҳам қалдирғочларнинг ин ясашларини кузатганимисиз?
3. “Қаранг, қандай ишланган пухта, Қуш – меъморнинг буюк ғояси” мисраларида шоир қалдирғочни кимга тенглаштириб ёзган? Нима учун?



3

**Изланайлик.**

Ўз кузатишларингиз ва дунётаниш дарсида ўрганганларингиз асосида дўстларингиз билан “Меъмор қушлар” мавзусида постер тайёрланг.



4

**Ёзайлик.**

Ўзингиз яшаб турган ўлкангиздаги тарихий меъморчилик обидалари номларини дафтарингизга ёзинг. Улар ҳақида бобо – бувиларингиздан эшигларингиз, ўқиб ўрганганларингизни дўстларингизга сўзлаб беринг.



5

**Мақолни ўқинг, мазмунини тушунириинг.**

Инсон қўли-гул.

гумон  
буюк ғояси



Ўқийлик.  
Матнни ўқинг.

## Баҳс

*Мұхаббат Ҳамидова*

Болалар келажакда ким бўлиши ҳақида баҳслашдилар.

– Мен муҳандис бўлмоқчиман, – деди Умарали ўзи чизган ҳар-хил чизмаларни кўрсатиб. Гули доимо “Шифокор бўламан”, дейди. У синфда тозалик гуруҳининг бошлиғи.

– Мен сухандон бўламан, – деди Сарвар.  
– Вой, қандай қилиб сухандон бўласан, ўзинг ҳар гапда “анув”, “манави”, “иннай-кейин” деб юрасанку, дейишиди болалар. Бу гапларни эшитиб, Сарварнинг жуда жаҳли чиқди, лекин индамади. Тўғри-да,



у гапирганда ўқитувчи доимо “Қайта гапир, кераксиз сўзларни ишлатма”, деб айтади.

Сарвар уйда кўзгу олдида ўтириб олиб гапиришни машқ қилди. У аввал матн тузди, сўнг уни ёд олди. Шундай қилиб, бир неча кундан сўнг у болаларга:

- Яна баҳс ўтказайлик, – деди.
- Нима сухандон бўлдингми дейман, – деди Акбар кулиб.

Сарвар индамади. Кўп йиллар ўтди. Болалар мактабни тугатиб, турли қасбларни эгалладилар. Сарвар орзусига эришди. У ҳозир етуқ сухандон. Унинг гапларини эшитган киши яна эшитсам, дейди.

У лутф билан гапиради. Шуни айтадилар-да: “Интилганга толе ёр”, деб.



### Сўзлашайлик.

1. Нима учун ҳикоя “Баҳс” деб номланган?
2. Сиз дўстларингиз билан қандай мавзуларда баҳслашасиз?
3. Сиз келажакда ким бўлишни орзу қиласиз?
4. Ўз орзусига этиш учун Сарвар нима қилган деб ўйлайсиз?
5. Ҳикояда берилган мақол мазмунини тушунтиринг.



### Изланайлик.

1. Сиз келажакда меъмор бўлсангиз қандай бинолар қурдирар эдингиз?
2. Ҳаёлингиздаги бино расмини чизинг ва унга мос ном беринг.



### Тез айтинг.

Санъат саройи – саройларнинг сараси.

муҳандис  
сухандон  
кўзгу  
етук  
лутф билан  
толе ёр  
сараси



Ўқийлик.  
Шеърни ифодали ўқинг.

## Минора

*Сафар Барноев*

Бухорода бўлганингда  
Кўрганмисан, Гулнора?  
Шаҳарнинг қоқ ўртасида  
Тураг улкан минора.  
Булутларнинг унга ҳатто  
Тегиб ўтар кўйлаги.  
Қанча юртдан ҳавас билан  
Келишади кўргани.  
Қай томондан боқма унга,  
Дарров кўзга ташланар.  
Қанча эртак, фожиалар...  
Минорадан бошланар.  
Гард қўнмаган тошига  
Қарамоқчи бўлсанг унга  
Дўппинг тушар бошингдан.  
Ўймакорлик нақшлари  
Дикқатингни тортади.



Ўтиб қолсам ёнидан-чи,  
 Мехрим тағин ортади.  
 Ахир улкан минорани  
 Катта бобомлар қурган.  
 У кишининг ҳунарларин  
 Эл мақтаган, эл кўрган.  
 Йўлим тушса, унга доим  
 Таъзим қиласман ҳар гал.  
 У-бобомга мангаликка  
 Тошдан қўйилган ҳайкал.



### Сўзлашайлик.

1. Шеър нима ҳақида экан?
2. Шоир шеърни қандай ҳис билан ёзган?
3. Нима учун шоир:  
“У-бобомга мангаликка  
Тошдан қўйилган ҳайкал” деб ёзган?
4. Сиз жаҳондаги яна қандай меъморчилик  
санъатининг мўжизаларини биласиз?



### Изланайлик.

Дўстларингиз билан “Меъморчилик мўжизалари”  
 мавзусида постер тайёрланг.



### Мақолларни ўқинг. Мазмунини тушунтиринг.

Элга хизмат – олий ҳиммат.

Обод қилган – обод бўлади.

Давлат ҳам эгиз, меҳнат ҳам – эгиз.

Ёшликда ўрганган ҳунар,  
 Ўзингга ўлжага қолар.

фожиалар  
мангуликка  
ҳиммат

# БҮЛИМ ЮЗАСИДАН ТАКРОРЛАШ



1

## Аниқлайлик.

Қуйида берилған сүзға ҳарфларни түғри қўшиб – айирсангиз, бўлимга оид сўз ҳосил бўлади.  
Масалан, “китоб” сўзини ҳосил қилиш учун қўйидагича йўл тутиш мумкин:

Ики – И+тар – ар+об = китоб

Тмеъ – Т + ман – ан + ор =



2

## Савол биздан, жавоб сиздан.

1. Бўлимдаги қайси шеър ёки ҳикоя сизга кўпроқ ёқади? Нима учун?
2. “Хунар ўрган” шеъри ва “Баҳс” ҳикояси мазмунининг қандай ўхшашлиги бор?
3. Ватанимиздаги қадимий ва замонавий меъморчилик иншоотлари ҳақида нималар билиб олдингиз?
4. Астана шаҳридаги “Ҳазрат Султон” мачити ва “Астана – Байтерак” иншоотларининг муаллифлари ҳақида билганларингизни ўртоқларингизга сўзлаб беринг.



3

## Ўқийлик.

1. Бўлимдаги ўзингизга ёққан шеърни ифодали ўқиб беринг.



4

## Изланайлик.

1. Ўқитувчингиз ёрдамида Ватанимиздаги меъморчилик санъати намуналари расмларини тўпланг ва “Тарихий обидалар” ҳамда “Замонавий бинолар” номли фотоальбом тайёрланг.




5

## Аниқлайлык.


Расмларни күзатинг.

Булар қандай бинолар? Улар қаерда жойлашган?



V бўлим

Санъат



35

## ЯНГИ ЙИЛ

1

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

### Янги йил

Туроб Ниёз

Қувончларга тўлди дил,  
Қуёш каби кулди дил,  
Тошган дарё бўлди дил,  
Сен келганда, янги йил.

Улғайишга шошдик биз,  
Яна бир ёш ошдик биз,



Бағримизни очдик биз,  
Сен келганды, янги йил.

Безатилган арчамиз,  
Севинтириди барчамиз,  
Куйлаймиз, рақс тушамиз,  
Сен келганды, янги йил.

Қорбобо, Қорқиз – меҳмон,  
Совғалари кўп чунон,  
Биз билан сен ҳам қувон,  
Келганингда, янги йил.



2

**Сўзлашайлик.**

1. Шеър нима ҳақида ёзилган?
2. Сиз Янги йил байрамини қандай ўтказдингиз?
3. “Куйлаймиз, рақс тушамиз,  
Сен келганды, янги йил” мисраларининг  
мазмунини тушунтиринг.
4. Сиз Янги йил эрталигига қандай қўшиқ  
куйладингиз? Рақсга тушдингизми?
5. Қўшиқ айтиш, рақсга тушишни сизга ким  
ўргатади?



3

**Суҳбатлашайлик.**

1. Қўшиқ айтиш, рақсга тушишдан бошқа яна  
қандай санъат турларини биласиз?
2. Сиз санъатнинг қайси турига қизиқасиз? Нима  
учун? Дўстларингиз билан суҳбатлашинг.



4

**Мақолни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.**

Ҳунари йўқ кишининг,  
Мазаси йўқ ишининг.

кулди дил  
чунон

# 36

## ҚОРНИ КИМ КУРАГАН?



1

Ўқийлик.  
Матнни ўқинг.

### Қорни ким кураган?

Махмуд Муродов

Туни билан қор ёғиб чиқди. Қор бўлганида ҳам, қанақаси денг, ҳамма ёққа қалин, оппок тўшак қўйилганга ўхшайди.

Усти худди янги йил арчасининг ялтироқлари сепилгандай жимир-жимир қиласди, кўзни қамаштиради.

Қодиржон уйдан чиқди-ю, пальтосининг ёқасини кўтариб, папкани қўлтиқقا олди. Одамларнинг изи тушган ерларга қадам қўйиб, мактабга йўл олди.

Нарироқда грейдер қорларни кўча четига суртиб борар, баъзилар ўз йўлларини курашарди. Бир чумчук беҳолгина чирқиллаб, новдадан новдага ўтар, афтидан у дон тополмаганидан нола қиласди. Баланд теракка қора мевадек ёпишиб олган қарғалар оламни бузгудек бўлиб қағиллашарди.

Қодиржон шуларни томоша қилиб мактабга етиб келди.

Катта ҳовли гавжум эди. Болалар ҳовлининг гир атрофидаги йўлакларни курашарди. Қодиржонларнинг ўртоқлари ҳам ўз синфлари олдини курашаётган экан. Қодиржон уларга яқинлашди-да, тамошабин бўлиб турди.

– Ҳа, Қодиржон, қор курашни сира кўрмаганмисан, – деди Саттор деган қитмирроқ бола.  
– Кўрганман.



— Бўлмаса нега курмайсан? Энди тайёр йўлдан юрасан-а?

Қодиржон бир Сатторга, бир бошқа болаларга қаради-да, синфга қори куралмаган ердан қадамлай кетди. Латиф

Сатторга бир нима деди. Кейин Қодиржонга қаради:

— Хой Қодиржон, Саттор ҳазил қиляпти, йўлакдан юр, синфни қор қиласан. Ахир бир ўзимиз учун эмас, йўлни ҳамманинг юриши учун кураганмиз,-деди.

Орадан уч-тўрт кун ўтди. Яна қалин қор ёғди. Болалар келишса, синфлари олдидаги йўлак топ-тоза кураб қўйилибди.

— Ким куради экан? — ҳайрон бўлди Саттор.

— Бизни кичкина деб мактаб қоровули кураган бўлса керақ, — деди Анвар.

Кейин синфга киришди. Киришлари биланоқ “Салом” деган сўз эшитилди. Синфда ёлғиз Қодиржонгина ўтиради.



2

### Сўзлашайлик.

1. Ҳикоя кимлар ҳақида ёзилган?
2. Нима учун Қодиржон синфга қор куралмаган ердан юриб кирди?
3. Ҳикоя мазмунидан қандай сабоқ олдингиз?
4. Қодиржоннинг ҳаракатини қандай баҳолайсиз?
5. Сиз ҳам қор кураганмисиз?

грейдер  
бехолгина  
гавжум  
гир атрофи  
қитмирроқ



3

### Изланайлик.

Болаларнинг сухбатларини сахналаштиринг.

37

## ИЖОД ДАРАХТИ



1

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

### Ижод дарахти

Набижон Қодиров

Бир дарахт ўсар кўркам,  
Серҳосил, сархил, бекам.  
Ҳамма унга интилар,  
Мазаси ширин, сертаъм.

Назму наср шохида,  
Эл дарди бор оҳида.  
Севинтирас меваси,  
Татиб туриңг гоҳида.

Бир шохи саҳна, кино  
Бирида эски бино.  
Гулмат яшайди бунда  
Ўзига қўйиб бино.



Бир шохида куй – наво,  
Бошқаси ўзга маъво.  
Ҳар бири соғ озуқа,  
Танга бағишилар даво.

Ҳосили зўр, лоғ эмас,  
Ёзган билан тугамас.  
Қизиқ, ҳамма сукутда,  
Бир-бирига қарамас.



84

Чурвақалар гап уқмас,  
Шумтака, қувсанг кетмас.  
Қандга қўнган аридай,  
Тирмашар, парво этмас.

Болалар – ку боладир,  
Катталар ҳам оладир.  
Минг ташисин, во ажоб,  
Яна ортиб қоладир.

Ривожидан бош қотар,  
Кимдир зимдан тош отар.

Тураверар шох ташлаб,  
Ким қилса, ўзи тортар.

Будир ижод дарахти,  
Ўқувчиларнинг бахти.  
Қувонтирас доимо  
Насия эмас, нақди.

Мевалари ҳар қачон  
Руҳимизга берар жон.  
Бу дарахтни биз учун  
Экмиш Анвар Обиджон.



2

### Сўзлашайлик.

1. Шеърни ўқиши давомида кўз олдингизга қандай ҳаракатлар келди?
2. Нима учун шоир шеърига “Ижод дарахти” деб ном берган?
3. Болалар қандай ижод (санъат) меваларини теришади?
4. “Санъат халқникидир” шиорининг мазмуни шеър мазмунига мос эканлигини тушунтиринг.



3

### Ёзайлик.

Шеър мазмунни асосида “Мен севган санъат” мавзусида эссе ёзинг.

сархил  
бекам  
сертаъм  
назму наср  
чурвақалар  
насия  
нақди

# 38

## РАССОМ БОЛА



1

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

### Рассом бола

*Набижон Қодиров*

Меҳри жўшиб ўз ишидан шод,  
Расм чизар берилиб Дилшод.  
Кўлларида ўйнар мўйқалам,  
Ўйларида ажиб бир олам.

Аста – секин жонланар тасвир,  
Завқланади кичик мусаввир.  
Ўз ишидан тушар ҳайратга,  
Яна қўшар ғайрат ғайратга.

Ҳавас қилиб Рўзи Чорига,  
Ривож тилар касбу корига.  
Ранг – тасвирда айтиб ўз сўзин,  
Лол қолдирап бир кун ер юзин.



2

Сўзлашайлик.

1. Шеър ким ҳақида ёзилган?
2. Шоир ёш рассом Дилшодни қандай сўзлар билан таърифлаган?
3. Шеърдаги: “Ранг – тасвирда айтиб ўз сўзин,  
Лол қолдирап бир кун ер юзин”.  
қаторларининг мазмунини тушунтиринг.
4. Шеърни ёд олинг.





3

### Изланайлик.

Интернет тармоқларидан, тасвирий саънат дарсларида ўрганганларингиз асосида Ватанимизнинг таниқли рассомлари ва уларнинг ижоди ҳақида маълумотлар тўпланг.




4

### Аниқлайлик.

Расмларни кузатинг. Бу расмлар рассомчиликнинг қандай жанрига оид?




*S.Мамбейев. “Ўтовда”*



*A.Исмаилов. “Яйлов”*



*У.Ажиеев. “Тоғ манзараси”*



*А.Қастеев. “Дарё”*

мўйқалам  
мусаввир  
лол қолдирад

39

## МИЛЛАТИ ЙЎҚ НАВО



1

Ўқийлик.  
Матнни ўқинг.

### Миллати йўқ наво

*Феруза Адилова*

Бугун Хуршиднинг кайфияти йўқ. Буни сезган онаси Озода опа ўғлини чалғитмоқчи бўлди:

- Қарагин дengизнинг гўзаллигини. Бу ердан кетгинг келмайди-я, чўмилмайсанми?
- Йўқ, уйга кетгим келяпти, ҳаммани соғиндим, олмамиздан егим келяпти”, – деди хомуш тортган Хуршид. У ўз уйини жуда-жуда соғинганди.

Гарчи Италияда ўтказилган скрипкачиларнинг халқаро танловида лауреат бўлган бўлса-да, тезроқ



ўз юртига, дўстлари ёнига қайтгиси келди. Аввалига Италия ёқди, у ердан чиндан ҳам кетгиси келмади, бироқ учинчи кун зерика бошлади. Унинг кўзига ўзга давлатнинг илк таассуротлари, гўзаллиги-ю, мафтункорлиги кўринмай қолди.

Хуршид Монако шаҳрида ўтказилган ёш скрипкачиларнинг танловида иштирок этганида тингловчиларнинг талабларига биноан Мендельсоннинг асарларини ижро эта бошлади.

Талабгорларнинг қарсаклари тинмади. Ёш скрипкачи олқишлиардан илхомланиб, кўнгилни куйлатувчи куйлардан чалиб, ҳатто устозининг якунлаш ишорасини ҳам сезмай қолди. Чунки Хуршид чалган куйбарча миллат вакилларининг юрак торларини чертган эди-да. Шу сабабдан ҳам сўзсиз тушунирувчи ёқимли навонинг миллати йўқ, дейишгани рост экан.



2

### Сўзлашайлик.

1. Ҳикоя нима ҳақида ёзилган?
2. Воқеа қаерда содир бўлган?
3. Нима учун Хуршиднинг кайфияти йўқ эди?
4. Хуршидни истеъдодли бола дея оламизми? Нега?
5. Сиз яна қандай истеъдодли санъаткор болаларни биласиз?
6. Сизнинг мактабингизда, синфингизда шундай болалар борми?



3

### Изланайлик.

1. Қозоғистонлик қандай машҳур бастакор ва со зандаларни биласиз? Улар ҳақида энциклопедиядан маълумотлар тўплаб, ўртоқларингиз билан суҳбатлашинг.



4

### Аниқлайлик.

Мусиқа асбобларининг номларини айтинг. Улар қайси халқقا мансуб?



5

### Топишмоқни топинг.

Косасимон қорни бор,  
Ҳар созандага у ёр  
Бир чўп билан куй тартар,  
Тинглаб кўнгиллар яйран.



чалғитмоқчи  
Италия  
лауреат  
мафтункор  
Монако  
Мендельсон  
наво

40

## ОЛТИН МЕРОС



1

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

### Олтин мерос

Набижон Қодиров

Ўзига ром этолмас,  
Хорижнинг шўх “ялласи”.  
Қулогимда доимо,  
Онаジョンим алласи.

Қонимда миллий оҳанг,  
Жўш урап, сочар шуъла.  
Хаёлимдан кетмас ҳеч,  
Бобом айтган ашула.



2

Сўзлашайлик.

1. Шеър нима ҳақида ёзилган?
2. “Онаジョンлар алласи”, “миллий оҳанг” ҳақида нималар биласиз?
3. Ўзингиз қўшиқ айтишга қизиқасизми?
4. Халқимизнинг қайси қўшиқчиларининг ижоди сизга ёқади?
5. Шеърни ёд олинг.



3

Биргаликда куйлайлик.

1. Мусиқа дарсида ўрганган қўшиқларингиз номларини айтинг.
2. Ўрганган қўшиқларингизнинг бир, иккитасини дўустларингиз билан биргаликда куйланг.
3. Куйлаган қўшиқларингиз мазмуни асосида суҳбатлашинг.



4

**Билиб олайлик.**

1. Қозоқ халқ мусиқасининг ривожланишига бекиёс хисса қўшган бастакор Е.Брусиловскийнинг “Киз Жибек” операсидаги асосий қаҳрамон Жибек қўшиқларини атоқли қўшиқчимиз Қулаш Байсеитова ижро этган.



5

**Мусиқа тинглайлик.**

Ўқитувчингиз ёрдамида куй отаси Қурманғазининг “Сариарқа” куйини тингланг.



6

**Изланайлик.**

Халқимизнинг “Олтин мерос” тўпламига киритилган куй ва қўшиқлари ҳақида маълумотлар тўпланг.

ром этолмас

хориж

соchar шуъла



1

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

## Фарангиз

*Набижон Қодиров*

Сингилжоним Фарангиз  
Жуда нозли, таранг қиз.  
Куй эшитса, зўр – базўр  
Чидаб турар, аранг қиз.

Рақсга тушмоқда, ана  
Миттигина Фарангиз.  
Уялиб қочиб қолар,  
Сездирмасдан қарангиз.



2

Сўзлашайлик.

1. Шеър ким ҳақида ёзилган?
2. Фарангиз қайси санъат турига қизиқади? Сиз ҳам рақсга тушасизми?

3. Мактабингизда рақс түгараги ташкил этилганми?  
Түгаракдаги раққосаларнинг чиқишилари сизга қандай кайфият бағишилади?
4. Рақс санъатининг инсон ҳаётида яна қандай аҳамияти бор?
5. Халқимизнинг қандай машхур раққосаларини биласиз?
6. Шеърни ёд олинг.



### Аниқлайлик.

Расмларга қаранг. Тасвиrlарда қайси санъат турлари кўрсатилган?

Улар ҳақида ўртоқларингиз билан суҳбатлашинг.



### Изланайлик.

Расм дафтарингизга қозоқ халқ миллий нақшларини чизинг.

**нозли  
таранг қиз  
зўр – базўр**




# БҮЛИМ ЮЗАСИДАН ТАКРОРЛАШ



1

1. Расмдаги соат рақамларининг ўрни алмасиб кетган. Уларни ўз ўрнига қўйсангиз, ёнидаги ҳарфлардан бўлимга оид сўзни ўқийсиз.



2. Ўқиган сўзингиз иштироқида гаплар тузинг.



2

**Савол биздан, жавоб сиздан.**

1. Бўлимда ўқиган шеър, ҳикояларингизни қайси бири сизга кўпроқ ёқади? Нега?
2. “Миллати йўқ наво” ҳикояси мазмунини сўзлаб беринг.
3. Бўлимда қандай санъат турлари ҳақида танишдингиз?
4. Ўзингиз ёқтирган санъат тури ҳақида билганларингизни сўзлаб беринг.
5. Бўлимда ёд олган шеърларингизни ёдлаб беринг.
6. Бўлимни ўрганиш давомида қандай янги маълумотларни билиб олдингиз?
7. “Ижод дарахти” шеърини ифодали ўқинг.



3

**Аниқлайлик.**

1. Расмларга қаранг. Қандай санъат тури тасвирланган?
2. Сиз театрда бўлганмисиз?
3. Театрда қандай асарларни томоша қилгансиз?
4. Актёрлик санъати сизга ёқадими? Нима учун?



4

**Саҳналаштирайлик.**

Ўртоқларингиз билан ўқиган эртак ёки ҳикоянгиз асосида саҳна қўриниши тайёрланг, актёрлик маҳоратингизни синаб кўринг.



5

**Расм чизайлик.**

Бўлимдаги ўзингизга ёқсан мавзу мазмуни асосида расм чизинг ва “Санъатга меҳр” номли кўргазма ташкил этинг.

VI бўлим

Буюк

сиймолар



43

## АЛИШЕР НАВОЙ

Алишер Навоий  
(1441–1501)

Ўзбек тили ва адабиётининг асосчиси бобомиз Алишер Навоий 1441 йилнинг 9 февралида Ҳирот шаҳрида дунёга келди. У 10–12 ёшидан бошлаб кўп китоблар ўқиди, ўзи ҳам шеърлар ёза бошлади.

Алишер Навоий ўз ҳаёти давомида беҳисоб шеър ва ғазаллар, достонлар ёзди.

Бобомиз 1501 йилнинг 3 январида Ҳирот шаҳрида вафот этади. Алишер Навоий ўзбек тилида шоҳ асарлар яратиб, бу тилни юксак поғонага кўттарган буюк сиймодир.



1

Ўқийлик.  
Ҳикматларни ўқинг.

### Алишер Навоий ҳикматлари

Тилга ихтиёrsиз,  
Элга эътиборсиз.

Билмаганни сўраб ўрганган олим,  
Орланиб сўрамаган ўзига золим.

Бефойда сўзни кўп айтма,  
Фойдали сўзни кўп эшитурдин қайтма.

Иzzат тиласанг кам де,  
Сиҳат тиласанг кам е.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,  
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.



2

**Сўзлашайлик.**

1. А.Навоий ким? У қачон, қаерда туғилган?
2. А.Навоий ҳикматларидан қандай сабоқ олдингиз?
3. Ҳикматларни дафтарингизга ёзинг.



3

**Ўқийлик.**

Шеърни ифодали ўқинг.

## Алишер Навоий

*Хуриид Даврон*

Мир Алишер Навоий  
Бобомизнинг китоби  
Ёритар дилимизни  
Мисли баҳор офтоби.

Мир Алишер Навоий –  
Фазал мулкин султони.

Яхшиликка чорлайди  
Унинг шеър-у достони.

Мир Алишер Навоий  
Мероси тамом бўлмас.  
Набиралар бор экан,  
Бобомиз номи ўлмас.



4

**Сўзлашайлик.**

1. Шеърда Алишер Навоий ҳақида нима дейилган?
2. “Фазал мулкининг султони” деган таъриф нимани англатади?
3. Алишер Навоий мероси ҳақида нима дея оласиз?
4. Шеърни ёд олинг.



5

**Изланайлик.**

Энциклопедиядан бобомиз Алишер Навоий ҳақида маълумотлар тўпланг ва ўртоқларингизга таништи-ринг.

Ҳирот  
ғазал  
поғона  
орланиб  
қатра-қатра



## ИБРАЙ АЛТИНСАРИН

Ибрай Алтинсарин  
(1841–1889)



Қозоқ халқининг буюк мутафаккири Ибрай Алтинсарин 1841 йили ҳозирги Қўстаний вилоятида туғилган. Қозоқ болалари учун қозоқ, рус мактабларини очиб, биринчи қозоқ “Алифбе” дарслигини яратган тўнгич педагогдир.

Бобомиз болаларга атаб кўплаган шеър ва ҳикоялар ёзган. У 1889 йили вафот этган.



Ўқийлик.  
Матнни ўқинг.

### Боғдаги дараҳтлар

*И.Алтинсарин*

Ёзниң ажойиб бир куни, эрта тонгда бир боғбон боласи билан боқقا бориб, мевали дараҳтларни кўздан кечириб юрар эди. Бола отасидан:



— Ота, мана бу дараҳт нима учун тўппа-тўғри ўсгану, нега мана буниси қийшиқ, — деб сўрабди.

Отаси:

— Бунинг сабаби, болам, бу дараҳтни вақтида парваришлигаган,

суғорган, қийшиқ шохларини кесиб ташлаб, эртаю-кеч ғамхўрлик қилинганд. Мана бу дарахтни эса, парваришлайдиган одам бўлмаган, ўз ҳолича ўсган, ғамхўрлик кўрсатилмаган. Шунинг учун у қийшиқ бўлиб ўсган, – дебди.

– Унда тарбиялаш, парваришланинг аҳамияти жуда катта экан-да, ота? – дебди боласи.

– Ўстириш, тарбиялашнинг аҳамияти чексизлигига ҳеч шубҳа йўқ, чироғим. Бунинг ибрати кўп. Сен ҳам новдага ўхшайсан. Сени ҳам парваришлаш, тарбиялаш керак. Мен сенинг хато ишларингни тўғирлаб, яхши насиҳат берсам, сен менинг айтганларимни уқиб хатоларингни тўғирласанг, яхши бола бўлиб ўсасан. Агар айтган насиҳатларимга қулоқ солмай, ўз хоҳлаганингни қилиб, тарбияга бўйин эгмасанг, мана шу дарахт сингари қийшиқ бўлиб ўсасан, – дебди отаси.



2

### Сўзлашайлик.

1. И.Алтинсарин ким? У ҳақида қандай маълумотларни билиб олдингиз?
2. Ҳикояда қандай воқеа ёритилган?
3. Ота ва боланинг суҳбатини саҳналаштиринг.
4. Сизнинг ҳам боғингиз борми? У ерда қандай дарахтлар ўсади? Уларни ким парваришлайди?



3

### Мақолни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Яхшидан боғ қолар,  
Ёмондан доғ.

чексиз  
тубҳа йўқ  
уқиб  
бўйин эгмасанг  
мутафаккир

## ИБН СИНО



1

Ўқийлик.

Матнни ўқинг.



**Ибн Сино  
(819–1005)**

*(Ривоят)*

Ривоят қилишларича, Бухоро музофотида дунёга донғи кетган, машҳур ҳакимларнинг ҳакими доно Ибн Сино ўтган экан. Қунлардан бир кун Бухоро шаҳрининг амири касалга чалинибди. Амирни аввалига сарой табиблари даволабдилар. Натижа бўлмагач, Ибн Синога мурожаат қилибдилар. Ибн Сино дори-дармонидан амир дардига шифо топибди.

Амир Ибн Синодан:

- Нима берсам хурсанд бўласан, – деб сўрабди.
- Менга ҳеч қандай тилла ҳам, юрт ҳам, сурув-сурув от, қўйлар ҳам керак эмас. Қишлоғимга бир қироатхона қурдириб, қирқ тую китоб берсангиз бўлгани, – дебди Ибн Сино.

Амир хурсанд бўлиб Ибн Синонинг қишлоғига қироатхона қурдирибди. Бутун дунёга жар солдириб китоб йиғдирибди. Ўзининг бой кутибхонасидан ҳам энг нодир китоблардан олиб, қирқ туюга юклаб, Ибн Сино қишлоғига жўнатибди. Амирни ўлимдан олиб қолган Ибн Синонинг донғи ҳар ёнга кетибди. Бошқа табиблар унга ҳасад билан қарай бошлишибди. Улар кутубхонага кириб китоблар орасидан Ибн Синони зўрға топишибди Улар:

- Амирликдан келганингиздан буён шу ерда китоб тит-килаб ётибсизми? – деб сўрашибди.

**Ибн Сино:**

- Ха, энг яқин дўстларим – китоблар билан сухбат қуриб, кун – у ой, ҳафта-ю йиллар ўтганини ҳам сезмаяпман, – дебди.
- Табиблик-чи, табибликни ташладингизми? – деб сўрабди табиблардан бири.

– Йўқ, табибликни қиёмига етказмоқдаман. Аввал улуғ зотларнинг панд – насиҳатларини, кўрсатмаларини билиб олиб, кейин даволашга ўтаман. Мен шу кунгача ўзимни табиб ҳисоблаб, катта хатога йўл қўйган эканман. Энди мана шу китоблардан ўрганганларимни амалиёт билан мустаҳкамлашим керак. Шундагина ўзимни табиб деб аташга ҳақлиман, – дебди.

**Табиблардан бири:**

- Борди-ю, кутубхонага ўт кетса, нима бўлади? – дебди.

**Ибн Сино:**

– Аввалимбор, кутубхонага ўт кетишдан худо сақласин. Борди-ю, фалокат рўй бериб, ўт кетса, унда чўчийдиган жойим йўқ. Ҳаммасини ёд олдим. Қайтадан ёзишга умрим етса, кифоя, – дебди. Табиблар Ибн Синонинг зеҳни билан хотираасига қойил қолиб, келган жойларига қараб кетишибди.



2

**Сўзлашайлик.**

1. Ривоят ким ҳақида? Сиз у ҳақида нималарни биласиз?
2. Ибн Синонинг ақли, билимга қизиқувчалиги ҳақида нима дея оласиз?
3. Амирдан нима учун китоб сўради деб ўйлайсиз?

музофот  
ҳаким  
амири  
қироатхона  
донғи  
ҳасад  
қиёми  
амалиёт



3

**Изланайлик.**

Энциклопедиядан Ибн Сино ҳақида маълумотлар тўпланг.

46

## АБАЙ ҚУНАНБАЕВ

Абай Қунанбаев  
(1845–1904)



Қозоқ халқининг улуг оқини, буюк маърифатпарвар шоир Абай Қунанбаев 1845 йили 22 августда ҳозирги Шарқий Қозогистон вилятига қарашли Абай туманида туғилган. У ўз ижодида инсонпарварлик, ақл ва билимни биринчи ўринга қўйди. Абай ўз халқини бошқа қардош халқлар маданияти ва санъатини ўрганишга ундади. Буюк Абайнинг қўшиқлари билан шеърлари халқ орасида кенг тарқалган. У 1904 йилда вафот этган.



1

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

Мен ўланни ёзмайман эрмак учун,  
Ўтган-кетган гапларни термак учун.  
Мен ўланни ёзаман тушунганга,  
Авлодимга бир сабоқ бермак учун.  
Сўзимни тентак уқмас, зийрак уқар,  
Кўнглининг кўзи очик, сергак уқар.

Абай



2

Сўзлашайлик.

1. Абай Қунанбаев ҳақида нималарни билиб олдингиз?
2. Шоирнинг ўланни ёзишдан мақсадларини ўз сўзларингиз билан тушунтириб беринг.



3

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

## Кўклам

*Абай*

Кўклам келса, қолмайди қишининг изи,  
Кулп ураг кўкламзор ернинг юзи.  
Жон киради борлиққа, табиатга,  
Она янглиғ жилмаяр куннинг кўзи.

Кулишар, ўлан айтар йигит-яланг,  
Ўтовда ўтиrolmas қари-қартанг.  
Жон-жонивор, одамзод яйраб кетар,  
Қушларнинг қўшиғидан ҳаво жаранг.

Кирдаги, соядаги эл аралашар,  
Кўй қўзилаб, оёққа ўралашар,  
Киш бўйи бир-бирини кўрмаганлар,  
Қучоқлашар, ўйнашар, ҳол сўрашар.



Туя бўзлар, от кишинар, қўра шов-шув,  
Капалаклар гул излаб учар дув-дув.  
Етти рангли гиламдай яшил тусда –  
Сулув қиздай буралиб оқади сув.



4

**Сўзлашайлик.**

1. Шеър қайси фасл ҳақида ёзилган?
2. Шоир кўкламда табиатдаги инсонлар ҳаётидаги ўзгаришларини қандай ифодалаган? Ўз сўзларингиз билан айтиб беринг.
3. Сувнинг оқишини кимга ўхшатган?



5

**Изланайлик.**

Шеърнинг мазмуни асосида баҳор табиати расмини чизинг.



6

**Мақолни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.**

Кун ғамини сахар е,  
Йил ғамини баҳор е.

Буғдой нонинг бўлмасин,  
Буғдой сўзинг бўлсин.

Дарахтни томири,  
Одамни дўсти сақлар.

қулп ураг  
она янглиғ  
қари-қартанг  
ҳаво жаранг

## АМИР ТЕМУР

**Амир Темур  
(1336–1405)**

Йирик давлат арбоби, саркарда, нотик, иқтидорли меъмор. Амир Темур бобомиз 1336 йилнинг 9 апрелида Кеш (Шахрисабз) га қарашли Хўжа Илғор қишлоғида (ҳозирги Яккабоғ) таваллуд топди.

Амир Темур ўз даврининг энг қудратли подшоҳларидан ҳисобланган. Бобомиз эл-юрт фаровонлиги, илм – фан ва маданиятнинг ривожланишига улкан шароитлар яратган. У 1405 йил 18 февралда вафот этган.



1

Ўгитларни ўқинг.

### Амир Темур ўгитлари

Аввал йўлдош – кейин йўл.

Бир таёқни синдирмоқ мумкин,  
Кўп таёқни букиб ҳам бўлмас.

Кечира олишлик – мардлик, кечира билмаслик  
номардлик саналади.

Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар.

Адоват эмас – адолат енгади.



2

Сўзлашайлик.

1. Амир Темур ким бўлган? У қаерда таваллуд топган?
2. Амир Темир ўгитларидан қандай сабоқ олдингиз?



3

## Ўқийлик. Матнни ўқинг.

### Амир Темур ҳақида ҳикоя

Б.Аҳмедов

Темурбек зийрак, ҳамма нарсани билишга интилувчан бўлиб ўсади. Тўрт ёшга тўлганида, отаси уни қишлоқ мактабига олиб бориб, Ибодулла домланинг қўлига топширди.

Тарағай баҳодир қўл қовуштириб:

– Боламнинг саводини чиқариб берсангиз, – деди.

Ибодулла домла соддадил ва хушфеъл бу одамни яхши биларди. Шунинг учун ҳам уни очиқ чехра билан кутиб олди. Тарағай баҳодир чиқиб кетгандан



кейин домла унинг ўғлини олдинги қаторга ўтқизди.  
Кейин унга мурожат қилди:

- Қани, ўғлон, тур ўрнингдан. Исминг не?
- Янги талаба даст ўрнидан турди ва:  
“Темур”, – деб жавоб берди.
- Баракалло, Темурбек, мактабимизга келиб яхши иш қилибсан. Яхши ўқисанг, муллои забардаст бўлурсан. Шўхлик қилиб, камҳафсала бўлсанг, ўзингдан кўр.

Темурбек тўрт йил Ибодулла домланинг қўлида ўқиди. Саводи чиққандан кейин отаси уни Шаҳрисабздаги мадрасага берди. У мактабдаги сингари мадрасада ҳам яхши ўқиди.

Мамлакатни бошқариш илмини эса отасидан ўрганди.

Темурбек устози ва отасининг панд-насиҳатларини бутун вужуди билан тингларди. Кейин буларга бир умр риоя қилди.



4

#### Сўзлашайлик.

1. Ҳикоя кимнинг болалиги ҳақида экан?
2. Темурбек қандай илмларни ўрганди?
3. У устози айтгандай “муллои забардаст” бўла олдими?



5

#### Изланайлик.

Амир Темур ҳақида энциклопедиядан маълумотлар тўпланг.

саркарда  
нотиқ  
адоват  
муллои забардаст  
камҳафсала  
мадраса

# 48

## МУХТАР АВЕЗОВ

Мухтар Авезов  
(1897–1961)



Қозоқ адабиётнинг мумтоз ёзувчиси, жамоат арбоби, Мухтар Умархон ўғли Авезов 1897 йил 28 ноябрда Семей уездига, Чингиз бўлислигига қарашли Қашқабулоқ деган жойда туғилиб, болалиги кўчманчи овулда ўтди.

Ёш Мухтар ўқиши ва ёзишини бобоси Аваздан ўрганди.

У ҳаёти давомида кўрганлари, таниб-билганларини ўз асарларида моҳирона ифодалаган серқирра адидир.

Мухтар Авезов 1961 йил 27 май куни вафот этди.



Ўқийлик.  
Матнни ўқинг.

### Кечки тепаликда

Ёзниң оромбахш кечаси. Тиник осмонда одам қалбига роҳат бахш этувчи салқинлик сезила бошлиған. Қуёшнинг тафти қайтиб, ҳолсизгина тоғдан ошиб, уясига кириб бормоқда. Юпқа, узунчоқ булулар муз парчаси каби, ботаётган қуёшни ўз исканжасига олган.

Қора-кўк рангга бўялган чексиз осмон уфқининг қуёш ботаётган жойида алвон каби тўлқинланиб, баъзи жойларида олов каби товланади. Қуёшнинг сўнгги нурлари тушиб турган тоғ чўққилари соядада қолиб салқин тушган ернинг баайни олтин чодири каби нурланиб, қизғиши тусга кирган.

Тепалик худди шу пайтда ўзига хос гўзал. Кечга яқин шовқин – сурон кўпайиб, тўс тўполнон бўлиб ётган овулдан чиқиб, тепалик сари кўтарилиб келаётганингда, у ҳам бўйини баландликка чўзаётгандек туюлади. Номаълум орзуларга ошиқкан тўймас кўз чор – атрофга қувонч билан термулади. Баъзи кўз илғамас жойларда осмон ерга теккандай яқинлашиб, бирлашиб кетган каби кўринади. Баъзан ердан кўтарилган баланд тоғлар викор билан осмонга чўзилгандай...

Қуёш ботаётган томонга қараганда бошқа жойларнинг кўриниши сур рангга кира бошлаган. Узоқда қора – қирмизи тоғнинг ҳам юзига ажин каби соя тушиб, осойишта кўриниш касб этгандек.

Аста – секин салқин туша бошлаган эгасиз дала енгил туманга ўралиб тинчлангандай. Атроф жимжит.

Қуёш ботди. Қизил ранг олган шафақнинг кўркамлиги минут сайин сусайиб, оламни қуршаб олаётган коронфиликдан мағлуб бўлмоқда.

Пастдаги сойда жойлашган овуллардан келаётган овозлар қулоққа чалиниб қолади. Қават – қават тоғлар орасида ёйилиб ётган сойлар бўйига жойлашган учтourt овул. Тўп-тўп бўлиб ўрнашган ҳар бир овулнинг у ер – бу ерига тикилган ўтовларнинг қоқ ўртасида алоҳида-алоҳида жойлашган оқ ўтов чароғон ойнинг қора сув ичидағи аксидек ярқирайди.

Овулларнинг ораси яқин. Ҳаммасининг атрофида бир неча тур мол. Кечки мол боқишлирида улар бирбирига қўшилиб кетган. Ҳар бир уйнинг ер ўчогидан бурқираб, биқсиб чиқаётган тутунлари баъзан осмонга кўтарилиб, баъзан яйловга ёйилиб тарайди. Овул-

ларнинг ораси билан яшил сойни ёриб оққан ингичка дарё. Баъзи жойларда тўғри оқиб, баъзи жойларда бурилиб, илон изи ясайди. Ҳозиргина “ма... ма...” лашаётган қўзилар оналари билан бирга, шовқин – суронини қўйиб, овулларнинг икки томонидаги адирларга ёйилиб боради.

Кечки сув ичиш учун ҳозиргина қайтиб келаётган тўда-тўда йилқилар орасидаги сур ранг от товланиб, яшил майсалар устида учиб келмоқда. Кишнаб тепишган, ўз уюрини излаб кишинаган овозлар кечки осмонда кучли жаранглаб эшитилади.

Овулларнинг бир қанча эркаклари сув бўйида суҳбатлашиб, йилқиларни оралаб юрибди.



### Сўзлашайлик.

1. Мухтар Аvezov ким бўлган экан?
2. Ҳикояда ёзувчи табиатнинг кечки кўринишини қандай тасвирлаган?
3. Ҳикояни ўқиш давомида кўз олдингизга қандай кўринишлар келди?



### Изланайлик.

Ҳикоя мазмуни асосида овулнинг кечки кўриниши манзарасини тасвирлаб расм чизинг.

мумтоз  
уезд  
бўлислиги  
серқирра  
исканжасига  
уфқ  
виқор  
сур ранг  
мағлуб уюр

## ДОНОЛАР ЎГИТИ



1

**Ўқийлик.**

Донолар ўгитларидан намуналар ўқинг.

### Донолар ўгити

Хақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин минг ганж ила.

Умрни зое этма, меҳнат қил,  
Меҳнатни саодатинг калити бил.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,  
Қатра – қатра йиғилиб дарё бўлур.

*Алишер Навоий*

Билиминг осмонга етган бўлса ҳам,  
Бошқалар илмига қулоқ сол ҳар дам.

Инсоннинг қиймати эмас сийм-у зар,  
Инсоннинг қиммати илм ила ҳунар.

*Абдулқодир Бедил*

Ҳунар ўрган, чунки ҳунарда кўп сир,  
Ёпиқ эшикларни очар бирма-бир.

*Низомий Ганжавий*

Чораси бўлмаган ишга киришма,  
Чунки ундан қутулиб бўлмайди.

*Амир Темур*



2

### Сўзлашайлик.

1. Доно боболаримиз, ўгитлари нималарга ўргатади?
2. Ўгитларни дафтарингизга ёзинг ва уларга амал қилинг.

### Ўқийлик.

Эртакни ўқинг.

## Тил

Подшо вазирига энг ширин гўштдан кабоб тайёрлаб келтиришни буюрибди. Вазир қандай гўшт энг ширин экан, деб боши қотиб ўтиrsa, олдига қизи кириб: “Ота, нимага хафасиз?” – деб сўрабди. Вазир подшонинг буйруғини айтибди. Шунда қиз отасига бозордан қўй олиб, сўйдириб, тилидан кабоб қилишини маслаҳат берибди.



Вазир шундай қилибди. Подшо кабобни еб: “Энди энг bemаза гўштдан кабоб келтиргин”, – дебди вазирига. Вазирнинг яна боши қотиб, хафа бўлиб ўтирибди. Қизи буни кўриб, отасига яна қўй сўйиб, унинг тилидан кабоб қилиб, подшога олиб боришини маслаҳат берибди.

Вазир қизининг айтганини қилиб, подшонинг олдига яна тилдан кабоб

келтирибди. Подшо вазирни чақириб: “Сен доно экансан, қилган ишинг түғри. Ҳақиқатан ҳам, энг шириң нарса ҳам, энг bemаза нарса ҳам тилдир. Кишининг кайфиятини кўтарадиган шириң сўз ҳам, кайфиятини бузадиган bemаза сўз ҳам тилдан чиқади”, – дебди.



2

### Сўзлашайлик.

1. Подшо вазирга қандай буйруқлар берди?
2. Вазирнинг қизи отасига қандай маслаҳат берди?  
Уни “доно қиз” дея оламизми?
3. Подшонинг тил ҳақидаги гапларини ўқинг.



6

### Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Тили шириннинг дўсти кўп бўлади.

Тил билган элда азиз.

ҳақ йўли  
ранж ила  
ганж  
сийм-у зар

50

## АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

**Абу Райҳон Беруний  
(973–1048)**



Шарқнинг улуғ алломаларидан бири Абу Райҳон Беруний 973 йили Хоразмда туғилган. У ўз ҳәёти давомида жуда кўп илмларни ўзлаштирган. Беруний астрономия, физика, математика, тарих фанлари соҳасида жуда катта хизмат қилган олим.

Унинг яратган асарларининг маълум бир қисми бизгача етиб келган.

Абу Райҳон Беруний 1048 йили вафот этган.

**Ўқийлик.**



1

Матнни ўқинг.

### Абу Райҳон Беруний

*Пирмат Шермуҳамедов*

Бугун жума. Ҳаво очик, осмон артилган шиша сингари тиник мусаффо.

Қуёш найза бўйи кўтарилигандан. Йигирма беш ёшлар чамасидаги ўрта бўйли, буғдойранг юзли, хушқомат Абу Наср бугун эрта сахарданоқ ўз ёрдамчилари билан қишлоқ четидаги тепалик устида устурлоб ўрнатиш билан машғул.

Бир маҳал унинг ёнига қорамағиз юзли, бўз кўйлак, бўз иштон кийган оёқ яланг бола келиб ўтирди.

Унинг юзи, кўзи ва чехрасида чуқур ҳаяжон шундоққина сезилиб турарди.

– Яна келдингми? – дейди Абу Наср уни эркалаган овозда.

- Келдим, – дейди бола ҳаяжонини яширмай.
  - Менга ёрдамлашиб юборасанми?
  - Албатта! – Бола дадилланиб унга томон сурилди.
  - Бу нима устоз?
  - Устурлоб.
  - Устурлоб дейсизми?
  - Мен бу асбоб билан қүёш ва юлдузлар ҳаркатини кузатаман.
  - Қандай қилиб кузатасиз? Қундузи осмонда ҳеч нарса кўринмайди-ку!
  - Тунда кузатаманда! – дейди Абу Наср жилмайиб.
  - Мен ҳам кузатсанм бўладими?
  - Сен ҳали ёшлиқ қиласан. Катта бўлганингда ҳаммасини билиб оласан.
  - Ҳозир билгим келяпти, устоз.
  - Испинг нима?
  - Муҳаммад.
  - Кимнинг ўғлисан?
  - Отамнинг исми Аҳмад.
  - Ўқиши, ёзишни биласанми?
  - Биламан.
  - Нималарга қизиқасан?
  - Ҳар кун тунда осмон тўла юлдузларни кузатаман.
- Бирам юлдузлар билан гаплашгим келади-ки. Сиз-чи?
- Сиз юлдузларнинг тилини биласизми?
- Ҳа тушунаман.
  - Менга ҳам ўргатинг.
  - Ўргатаман.
  - Алдамайсизми?
  - Алдамайман. Аммо бир шартим бор.

- Айтинг.
- Мен билан шаҳарга кетасан.
- Хўп. Фақат ота-онам рози бўлармикин?
- Отангга ўзим тушунтираман.

Шу куни кечқурун Абу Наср вақт топиб, қишлоқ чеккасидаги кўримсиз бир ҳовлига кириб борди.



**2**

### Сұхбатлашайлик.

1. Ҳикоя ким ҳақида ёзилган деб ўйлайсиз?
2. Ёш Беруний нималарга қизиқар эди?
3. Устози нима учун уни шаҳарга олиб кетмоқчи бўлди?
4. Матнни ролларга бўлиб ўқинг.



**3**

### Билиб олинг.

Абу Райҳон Берунийнинг тўлиқ исми – Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний.

Устозининг исми – машҳур олим Абу Наср Мансур ибн Ироқ.



**4**

4. Абу Райҳон Берунийнинг ҳикматларини ўқинг ва изоҳлаб беринг.
1. Кўз билан кўрган эшитгандан афзалроқдир.
2. Ҳаддан ортиқ ғазаб ваҳшийлик келтиради ва бевақт қилинган лутф обрўни кетказади.

шарқ  
аллома  
найза бўйи  
устурлоб

## Миртемир (1910–1978)

Ўзбек шеъриятида ўчмас из қолдирган шоир Миртемир 1910 йил 30 майда Туркистон шаҳри яқинида жойлашган Икон қишлоғида туғилди. У эски мактабни битиргач, 1921–1923 йилларда Тошкентдаги “Алмай” номли болалар намуна мактабида тарбияланади. Унинг биринчи шеъри 1926 йилда “Ёш ленинчи” рўзномасида босилган. У ўз шеърларида Ватанга муҳаббат, душманга нафрат, меҳнат гашти, халқлар дўстлигини моҳирона қўйлаган. Миртемир 1978 йил 25 январда Тошкентда вафот этган.



1

**Ўқийлик.**  
Шеърни ифодали ўқинг.

## Сен она

*Mиртемир*

Алишерга алла айтиб ухлатган  
Сен – она.  
Оғушида Бобур камолга етган  
Сен – она.  
Торобийни оғир жангга жўнатган  
Сен – она.  
Оlamни нурида мунааввар этган  
Сен – она  
Йиғласа, дунёни расо титратган  
Сен – она.



Кулгиси саодат парвариш этган  
Сен – она.  
Доҳийлар бешигин бедор тебратган  
Сен – она.  
Мехри баҳорида элни яшнатган  
Сен – она.  
Ягона ўғлингни жўнатдинг жангга,  
Бўл бардам, она!  
Онадай ошиқ йўқ она Ватанга,  
Муҳтарам она...



2

**Сўзлашайлик.**

1. Шоир шеърни кимга бағишлиб ёзган?
2. Шоир шеърда оналарга хос қандай фазилатларни ёритган?
3. Сиз она ҳақида яна нима дея оласиз?
4. Шеърни ёд олинг.



3

**Мақолларни ўқинг, мазмунини тушуниринг.**

Онасини суйганинг – боласини суй.

Ота-она – олтин қанот.



4

**Изланайлик.**

Интернет тармоқларидан шоир Миртемир ҳақида маълумотлар тўпланг ва дўстларингизга сўзлаб беринг.

оғушида  
расо титратган

# МУЗАФФАР АЛИМБАЕВ

Музаффар Алимбаев  
(1923)

Қозоқ болалар поэзиясининг классиги Музаффар Алимбаев 1923 йили Павлодар вилоятининг Шарбакти худудида туғилган.

М.Алимбаев болаларга бағишилаб жуда күп шеърлар ёзган.

Унинг “Осмондаги опа”, “Икки тахта бир кўприк” каби шеърий тўпламлари ўз ўқувчиларига яқиндан таниш.



Шеърни ифодали ўқинг.

## Ўн бармоқ

*М.Алимбаев*

Ёлғиз бармоқ ҳеч қачон,  
Ушлай олмас ипни ҳам.  
Икки бармоқ бириқди,  
Нина қўлга илинди.  
Уч бармоғим бирлашиб,  
Югуртирас ручкани...  
Хунарли экан ўн бармоқ!  
Шаҳар қурсак, йўл қурсак...

## Йилқичи

*М.Алимбаев*

Икки бола талашди,  
Олайишиб қараши:  
– Йилқичи –

У киши –  
 Деди Арнур  
 – Йилқичи –  
 Күл қуши, –  
 Деди Жаннур.  
 Ким янглишиб хато айтди?  
 Иккови ҳам түғри айтди.



**2**

### Сүзлашайлик.

1. М.Алимбаев ким?

Унинг ҳаёти ва  
ижоди ҳақида  
нималарни билиб  
олдингиз?

2. Шоир “Үн бармоқ”  
шеъри орқали нимани етказмоқчи? Тушунтириб  
беринг.
3. “Йилқичи” шеъридаги икки боланинг ҳам  
жавоби түғрилигини сиз қандай изоҳлайсиз?
4. “Йилқичи” шеърини ролларга бўлиб ифодали  
ўқинг.
5. Шеърларни ёд олинг.



**3**

### Тез айтинг.

Тез айтишларни ўқинг ва тез-тез айтинг.

Шотурсуннинг шотутини шатирлатган шамол  
 Шарифнинг шафтолосини шитирлатди.

Бир жуфт чўп қўпми, қўш жуфт чўп қўпми?

шотут  
бирикди

# ОМОНЛИК, ҲЕЙ ОМОНЛИК



1

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.



## Омонлик, ҳей омонлик

(Халқ құшиғи)

Омонлик, ҳей, омонлик,  
Етдик Наврӯзга.

Унutilsin ёмонлик,  
Қут бер, ризқ-рўзга.

Юртга тинчлик сўрайман,  
Оlamga chirой.

Шу айёмни қутлай деб,  
Ундиридим буғдой.

Сумалак бир баҳона,  
Фанимат дийдор.

Шу урфимиз баҳона  
Кўришдик бир бор.

Замонга минг шукрим,  
Етдик Наврӯзга.  
Майса ўсибди дуркун,  
Суртай мен кўзга.

Сумалак бир баҳона,  
Фанимат дийдор.  
Шу урфимиз баҳона  
Кўришдик бир бор.





2

## Сўзлашайлик.

1. Шеър қандай байрам ҳақида ёзилган?
  2. Байрамда сумалак пиширилиши ҳақида нима дейилган? Ўз сўзларингиз билан тушунтириб беринг.
  3. Момолар нималарни кўзларига суртиб “омонлик” дейишади? Нима учун?
  4. Қўшиқни ёд олинг.



3

## Ўқийлик.

Қозоқ халқ мақолларини ўқинг ва мазмуни юзасидан дўйстларингиз билан фикрлашинг.

Полапон уясида нени күрса,  
Учганида шуни қилади.

## Олимнинг олдида тилингни тий.

Эл олқишини олсанг,  
Элда азиз бўларсан.

“Сиз” деган ҳурмат,  
“Биз” деган улфат.

Күп тингла, оз сүзла.

құт  
ризқ-рүз  
дуркун  
полапон  
улфат



4

Изланайлик.

Мақоллар мазмунига тўғри келадиган ўзбек халқ мақолларини топиб айтинг.



F

## Аниклайлик.

Бошкотирмадан гулдар номини топинг.

К								К
							К	
P			X		H			
			O		A			
A			P				Л	



# БҮЛИМ ЮЗАСИДАН ТАКРОРЛАШ



1

## Ўқийлик.

Ҳикмат ва насиҳат сўзларни ўқинг.

Бошни фидо айла, ато қошиға,  
Жисмни қил садқа ано бошиға.  
Тун – кунингга айлагали нур фош.  
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

*Алишер Навоий*

Дунё – катта кўл,  
Замон – эсган ел.  
Олдинги тўлқин – акалар,  
Кейинги тўлқин – укалар.  
Навбат билан ўтарлар,  
Аввалгидай кўринар.

*Абай*



2

## Сўзлашайлик.

1. А.Навоий ҳикмати кимлар ҳақида деб ўйлайсиз?
2. Бобомиз ота-онани нималарга ўхшатди?
3. Абайнинг насиҳатидан нимани уқдингиз?
4. Уларни ёд олинг.



1

## Ўқийлик.

Ўқинг ва ўйнанг.

## Шолғом тортиш

Бу ўйинда 20 та бола қатнашиб, улар икки гуруҳга бўлинадилар.

Гуруҳлар ўзига “Булбул”, “Саъва” деб ном қўйишиб оладилар. Қейин ўртага тўғри чизик чизилади ва бир томонга “Булбул” гуруҳи, иккинчи томонга “Саъва” гуруҳи туради.



Сардорлар чизиқнинг икки томонида туриб: “Шолғом тортиш!” деб буйруқ беришгандан сўнг болалар бир-бирларининг қўлларини ўз томонига тортишади. Болалари чизиқдан кўпроқ ўтиб кетган гуруҳ енгилади.



**2**

### Савол биздан, жавоб сиздан.

1. Бўлимда қандай инсонлар ҳаёти ва ижоди билан танишдингиз? Уларнинг номларини айтинг.
2. Боболаримиз қандай сабоқ беришди?
3. “Фазал мулкининг сultonни” деб ким ҳақида айтилган?
4. Алишер Навоий ҳикматларини айтинг.
5. Қозоқ халқининг тўнғич педагоги ким?
6. Ибрай Алтинсарин ҳақида қандай маълумотларга эга бўлдингиз?
7. Она юрт табиатини ўз асарларида севиб мохирона тасвирлаган ёзувчи ким?
8. “Мен ўланни ёзмайман эрмак учун...” мисраси кимнинг қаламига мансуб?
9. Абайнинг “Кўклам” шеърини ифодали ўқинг.
10. Бўлимдаги қайси шеър, ёки ҳикоя сизга кўпроқ ёқади? Нима учун?



**4**

### Изланайлик.

Ўрганганларнинг асосида уйда “Яхши инсонлар қандай бўлиш керак?” деган саволга жавоб ёзиб келинг.

VII бүлүм

Сув —  
тириклик  
манбай





Ўқийлик.  
Матнни ўқинг.

## Зилол сув

*Fani Абдуллаев*

Ойим нонуштадан сўнг:

– Даданг боғ айланиб, кераксиз нарсаларга кўзи тушганми: “Ўғлингга айт, йўқотсин уларни”, – деб ишга кетди, – деди.

– Хўп йўқотаман, – деб ойимни хотиржам қилдим. “Лаш-лушлар”ни ахлат машинаси олиб кетадиган жойга ташлашга эриндим. Анҳор яқин. Шундоққина боғимиз этагига туаш.

Мана, қўлимда опамнинг эски шиппаги. Бир, икки, уч! Анҳорга ғириллатдим. Сувнинг бағри кенг. Қўлимдан учган нарса борки, ишимни енгиллатиб, бағрига яшираверади. Эҳ, бўёқ банкасига келганда... Тепиб юборгандим, сувга етмай, анҳор бўйидаги чинорга қаттиқ урилди-ю, пачоқланди.

– Нима тарақлаб кетди, тинчликми, Тоҳир? – хавотирланиб айвондан тушиб келди ойим.

– Тинчлик... Шундай, ўзим...

Ойим атрофга қаради. Ҳозиргина боғни хира қилиб турган “лаш-луш”лар йўқ. Фақат чинор тагида банкача қопти, холос.

– Ташвишдан осонгина қутулибсанда.

Мен дадил жавоб бердим:

– Фақат менми, ойижон? Бошқалар ҳам анҳорга дуч келган нарсани отишади-ку!

- Бирор ўзини томдан ташласа, сен ҳам ташлайве-расанми? Даданг билсами, нақ кўрсатади...
- Дадамга айтманг, жо-о-он ойи.
- Хўп, аммо бошқа бунақа иш қилма.

## II

Таътилга чиққач, тоғда яшайдиган опамниги бордим. Тошдан тошга урилиб, тоғдан тип-тиник сув тушяпти.

Опамнинг кичик қайниси Асад билан чўмилиб, офтобда ёнбошлаб ётардик.

– Қани, менга етиб ол-чи, – Асад шундай деб ўрнидан турди-да, илонизи йўлдан чопа кетди.

Кетидан қувдим. Ярим йўлга бормасданоқ ҳарс-ҳарс қиласман. Яна чопсам, кўзим тинадиган. “шарманда бўлмай яна...” секин орқага қайтдим.



– Ҳа, Тоҳир акавой, қалайсиз? – мазаҳ қила бошлади Асад, баландликдаги тош устига ўтироволиб.

Нима ҳам дердим. Жилғага бошлаб келган опам эса кўнглимни кўтарди:

– Тоғнинг зилол суви Асадга туганмас куч берган. Сен ҳам унинг ўрнида бўлганингда, чиниқиб, “пишардинг”. Боя оҳ, оҳ мунча маза, деб ҳовучлаб сув ичишингни кўриб, бирам кувондимки...

– Агар сувга ҳеч ким ҳеч нарса ташламаса, бизнинг анҳордан ҳам тип – тиник, тоза сув оқадими, опа?

– Бўлмасам-чи, Тоҳирвой. Ўша сувнинг боши шу. Қара, қандай тоза, а, – жилғага ишора қилди опам.

– Жилғага боқиб, анҳорга “лаш-луш”ларни отганиларим кўз ўнгимга келди. “Шундоқ зилол сувни ифлос қилсак... Бу ишимиз жуда ёмон бўлар экан”.



2

### Сўзлашайлик.

1. Ҳикоя нима ҳақида ёзилган?
2. Ҳикоя қаҳрамонларини номма – ном айтинг.
3. Сиз Тоҳирнинг ишини қандай баҳолайсиз?
4. Сувнинг қандай аҳамиятларини билиб олдингиз?
5. Тоҳирнинг зилол сув ҳақидаги фикрларини ўқинг?

У энди анҳор сувга нарса ташлайдими?



3

### Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Сув бор ерда ҳаёт бор.

Сув – зар, сувчи – заргар.

зилол  
дадил  
қайниси  
илонизи  
мазаҳ  
жилға



## Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

## Сув

*Шұхрат Шох*

Исроф қылса ким сувни,  
Уни дерлар уқувсиз.  
Билсангиз Она ерда,  
Хаёт бўлмасди сувсиз.

Дов-дараҳт, ўсимликлар,  
Ўスマйди сув бўлмаса.  
Чўмилмасдик ёзда биз,  
Ариққа сув тўлмаса.


Сув буғланиб булутга,  
Айланади осмонда.  
Ёмғир бўлиб қайтади,  
Ерга у ҳар замонда.

Икки тури бор сувнинг,  
Бири шўр, бири тоза.  
Ҳар иккиси билан ҳам,  
Қилиш керак муроса.

Оқар сувга чиқинди,  
Ташлаш одобдан эмас.  
Шунда сувдан бизларга,  
Касаллик яқин келмас.

Уйда сув жўмрагини,  
Очиб қўйманг беҳуда.  
Тоза сувсиз одамлар,  
Қолиб кетар қайғуда.

Сўз берайлик болалар,  
“Ақлли бўламиз”, деб.  
Ҳамда “Сувни ҳамиша,  
Тежаб сарф қиласмиз”, деб.





2

### Сүзлашайлик.

- Шоир шеърда сувнинг табиат ва инсонлар ҳаётидаги аҳамиятини қандай ёритган?
- Сувнинг қандай турлари ҳақида айтилган?
- Шўр сув қаерларда бўлади?
- Қозогистондаги қандай сув ҳавзаларини биласиз?
- Сувни тоза сақлаш ва асраш учун нима қилиш керак?



3

### Изланайлик.

Дунётаниш дарсларида ўрганганларингиз ҳамда кузатгандарингиз асосида сувнинг хоссалари, хусусияти ва аҳамияти ҳақида дўстларингиз билан постер тайёрланг.



4

### Аниқлайлик.

Шеърнинг охирги бандини ўқиб, мазмунини тушунириング ва сувни қандай тежаб сарф қилишингиз ҳақида расм чизинг.



5

### Топишмоқ.

Топишмоқларни ўқинг ва жавобларини топинг.

Оқиб келар шилдираб,  
Ойнадайин ялтираб.



Катта челяк тешилди,  
Ундан кўп сув тўкилди.



муроса  
бехуда  
сарф қиласиз



# ТОМЧИ ҲАҚИДА ЭРТАК



1

Ўқийлик.  
Матнни ўқинг.

## Томчи ҳақида эртак

Ўткир Хошимов

Қишлоқ чеккасидаги баланд тепалик устида бир туп ўрик ўсар экан. У ҳар йили одамларга кўп-кўп мева бераркан. Аммо атрофида бошқа дараҳтлар бўлмагани учун жуда зерикар экан. Бир куни эрталаб Ўрик уйғонса, япроғида бир нарса ярқ-ярқ қилиб турганмиш.

- Сен қанақа қушсан? – дебди Ўрик ҳайрон бўлиб.
- Мен қуш эмасман, мен Томчиман, – дебди бояги ярқираб турган нарса.
- Кел, ўртоқ бўламиз, – дебди Ўрик.
- Бўпти.
- Аммо кетиб қолмайсан, – дебди Ўрик, – бўлмаса қушлардан ҳам ўртоғим кўп-у, ҳаммаси куз келиши билан қочиб кетади.
- Майли, – дебди Томчи, – мен энг қийин пайтда доим ёнингда бўламан.
- Ўрик жуда севиниб кетибди. Икки ўртоқ кун бўйи маза қилиб ўйнашибди. Лекин Ўрикнинг қувончи узоқча бормабди. Эртасига эрталаб уйғонса, Томчи йўқ әмиш.
- Томчи мени алдабди, – деб ўйлабди Ўрик. Энди шундай деб турган экан, бирор уни чақирибди.
- Ўрикжон, ҳой Ўрикжон!

Ўрик қулоқ солса, товуш осмондан келаётган эмиш.

– Мени ким чақиряпти? – дебди Ўрикжон шохларини силкитиб.

– Мен, сенинг дўстингман! – дебди булут борган сари пастлаб.

– Мен Томчиман.

Ўрик ҳайрон бўлибди.

– Қандай қилиб осмонга чиқиб олдинг?

– Мени офтоб бобо осмонга чиқариб қўйди.

– Мени ҳам олиб кет, – дебди Ўрик ҳаваси келиб.

Йўқ, дўстим, Ўрикжон, сен одамларга мева беришинг керак.

Қўрқма, мен ҳам яқинда қайтиб келаман.

Томчи шундай дебди-да, булутга миниб олис-олисларга кетиб қолибди.

Ўрик яна зерика бошлабди.

“Ўртоғим энди келмайди, осмонга чиқиб, мени унтиб юборди” – деб ўйлабди хафа бўлиб.

Кунлар исиб кетибди. Ўрик жуда чанқабди. Япроқлари шалпайиб қолибди. Охири у ҳушидан кетиб қолибди. Бир оздан сўнг ҳушига келса, япроғи устида Томчи турган эмиш.

– Мен сенга ёрдам бергани келдим, – дебди Томчи. У шунака кўп ўртоқларини бошлаб келган экан, Ўрикнинг чанқоги бир пасда босилиб, яйраб-яшнаб кетибди.




### Сўзлашайлик.

1. Матн нима ҳақида ёзилган?

2. Эрталаб япроқдаги томчиларни кўрганмисиз?

Улар нималар?

3. Ўрик нимага хурсанд бўлди?
4. Томчи қандай қилиб булутга айланди деб ўйлайсиз?
5. Томчининг кўп ўртоқлари нималар экан?
6. Ўрик билан Томчининг дўстлиги ҳақида нимадея оласиз?
7. Матнни ролларга бўлиб ўқинг.



3

Изланайлик, ёзайлик.

Дунётаниш дарсида ўргангандарингиз асосида “Табиатда сувнинг айланиши” ҳақида кичик ҳикоя ёзинг.

хушидан  
чанқоғи

58

## ЁМФИР



1

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

### Ёмғир

Туроб Ниёз

Ёмғирнинг кўзлари бор,  
Ерни топар адашмай.  
Ёмғирнинг сўзлари бор,  
Шивир-шивир гаплашгай.

Ёмғирнинг йўллари бор.  
Кўқдан тортиб ер қадар.  
Ёмғирнинг қўллари бор,  
Майсаларни эркалар.

Ёмғирнинг ўз куйи бор,  
Тингласанг дил яшнайди.  
Ёмғирнинг хуш бўйи бор,  
Нон исига ўхшайди.



2

Сўзлашайлик.

1. Шоир ёмғирнинг ёғишини нималарга ўхшатган?
2. Ҳар бир банддаги ўхшатишларни ўз сўзларингиз билан тушунтиринг.
3. Ёмғирнинг “куйи”ни қўл ҳаракатлари билан кўрсатиб беринг.
4. Шеърни ёд олинг.



3

Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Тома-тома кўл бўлар,  
Оқа-оқа сел бўлар.

Сув – оби ҳаёт.

Сув келди, нур келди.

Сув – тилсиз ёв.

Томчи тошни тешади.



4

**Изланайлик.**

Мақолларнинг мазмуни асосида дўстларингиз билан гурухларда сувнинг аҳамияти ва зарари ҳақида постер тайёрланг.



5

**Биласизми?**

### “Сув қўйгандек жим-жит”

Нима учун “Сув қўйгандек жим-жит” ибораси ишлатилиди? Агар сув юқоридан пастликка қўйилса, шариллаб тушади. Аммо шудгорга қўйилса жим-жит оқади. Сувнинг товуши чиқмайди. Сув қўйилган далаларда ҳашоратларнинг товушлари ҳам бўлмайди. Сувнинг шу хусусиятини ўйлаб, одамлар ушбу иборани яратганлар. Бир жойда жимжитлик бўлса, “Сув қўйгандек жим-жит”, дейишади.

сел  
оби ҳаёт  
шудгор

## ТЕГИРМОНТОШ



1

Үқийлик.  
Эртакни ўқинг.

### Тегирмontoш

*Турғунбай Foupov*

Бор экан, йўқ экан, қадим замонда бир тоғли қишлоқда тегирмontoш ясовчи уста яшаган экан. У йўнган тошларни олис-олислардан келиб олиб кетишаркан. Устанинг қишлоғида эса тегирмон йўқ, чунки сув етмас экан.

Бир куни у қишлоққа яқин жойларни айланиб юриб, сувни мўлроқ оқизиши йўлларини қидирибди. Охири чарчаб кетганидан катта тош соясида дам олибди.

Шу пайт қулоғига бирдан сувнинг ёқимли шилдирагани эшитилгандай бўлибди. Тинглабди. Сув товуши ҳарсангтош остидан келаётганмиш. Аслида эса бу тош бир вақтлар баланд тоғ тепасида мағрур турган экан. Тўсатдан бўлган зилзила тошни ўрнидан тебратиб, пастга қараб учиралибди. Тош булоқ устига тушиб, унинг кўзини тўсиб қўйган экан. Уста қарилигини ҳам унутиб, қувонганича қишлоқ томонга югурибди:

– Сув, сув топилди, биродарлар! Ҳашарга келинглар, ариқ қазилаймиз!

Ҳамқишлоқлари бир четдан тош ён-верини, кейин тагини қазий бошлабди. Бирдан ярқираб сув



кўринибди. Кўп ўтмай сув пастга, қишлоққа, боғ-у роғлар томонга оқа бошлабди. Одамлар ариқ қазиш, тегирмон қуришга киришиб кетибди.

Барча шод, фақат ҳарсанггина “менинг ҳеч кимга керагим йўқ”, деб хафа экан. Буни сезган уста Қодир унинг ёнига келиб, силаб кўрибди-да! “Бундан яхши тегирмонтош чиқади” деб кўнглидан ўтказибди. Шогирдлари ёрдамида тошни йўниб тарашлабди.

Жило берибди. Охири уни тегирмонга ўрнатишибди. Бўғиб қўйилган сувни очиб юборишибди. Сув куч билан пастга отилиб, тегирмон парракларини айлантириб юборибди. Тош чаққон айланиб, буғдой янчиб, ун торта бошлабди. Қишлоқ аҳлининг севинчи ичига сифмай қолибди. Тегирмонтошнинг қувончи ҳам чексиз экан.



2

### Сўзлашайлик.

1. Эртак нималар ҳақида ёзилган?
2. Нима учун қишлоқда тегирмон йўқ экан?
3. Сув кўрингандаги одамларнинг қувончини таърифлаб беринг.
4. Сув – ҳарсангтош – тегирмон орасида қандай боғлиқлик бор? Ўз сўзларингиз билан тушунтиринг.
5. “Керакли тошнинг оғири йўқ” мақолининг эртак мазмунига мослигини тушунириб беринг.



3

### Изланайлик.

Энциклопедия ва интернет тармоқларидан сувнинг қувватидан яна қаерларда фойдаланиши ҳақида маълумот тўпланг. Маълумотларни дўстларингизга айтиб беринг.

тегирмонтош  
йўнган  
ҳарсангтош  
мағрур  
зилзила  
тарашлабди  
жило берибди  
янчиб

60

## БУЛОҚ



1

Ўқийлик.

Матнни ўқинг.

### Булоқ

(Ривоят)

Баландда тоғ-у тошлар орасида булоқ күз очди. Сув тип-тиник, муздек. У бу ёргуғ дунёга чиқиш учун қанчалар курашди. Қуёшни күрди. Булоқ сувнинг нијати – Ери қучиши, одамлар меҳрига тўйиш, болаларнинг шўхлигига шерик бўлиш, буви ва боболарнинг кўзларига нур бағишлиш, ота – оналарнинг юзларини сийпалаш эди.

У жилға бўлди, сўнгра шалолага айланди. Бунданда хурсанд эди. Излаган яхши одамларни топди. Улар булоқ сувни авайлашди, кўзларига суртиб эъзозлашди.

Афсус, унинг бу қувончи узоққа чўзилмади, чунки йўлда тўсиққа дуч келди. Дунёда турфа одамлар бор экан. Бири унинг сувини қадрласа бошқалари уни ўз манфаатлари йўлида ҳар томонга бўлиб юборадилар. Йўлда нималар қилишди билолмади.

Ранг ўзгарди. Устигаустак тиканаклар, хасчўплар қалбини пора-пора қилди. Бунга ҳам чидади.

Яна кимлардир машинасини ҳам ювди. Булоқ



140

суви булғанди, күлмакка айланди, охири керак бўлмай қолди. У одамларнинг бунчалик бефарқлигидан ачинди ва ранги сарғайди.



2

### Сўзлашайлик.

1. Ривоят нима ҳақида экан?
2. Ривоят ўқиши давомида ўзингизни қандай ҳис қилдингиз? Нима учун?
3. Булоқ қаерда кўз очди?
4. Булоқнинг қандай ниятлари бор эди?
5. У йўлда қандай одамларни учратди?
6. Нима учун унинг ранги сарғайди?
7. Булоқнинг ўз ниятларига ета олмаганлигининг сабаби нимада деб ўйлайсиз?



3

### Ёзайлик.

1. Сиз булоқнинг дастлабки ҳолатида қолишини хоҳлайсизми?
2. Булоқни асрраб қолиш ҳақида унга атаб хат ёзинг.



4

### Топишмоқ.

Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Бўйни сўроқ шаклидир,  
Калта думли, зўр махлук.  
Саҳроларнинг безаги,  
Сувсизликдан этмас чурқ.



5

### Бу қизик.

Чўл карвони ҳисобланган туя сув ичмасдан 45 кунгача юра олади. У бир ичганда 200 литр сув ичади.

турфа  
манфаатлари  
пора-пора қилди  
булғанди  
бефарқ  
махлук  
этмас чурқ

61

## БЎЛИМ ЮЗАСИДАН ТАКРОРЛАШ



1

Савол биздан, жавоб сиздан.

1. Бўлимни ўрганиш давомида сув ҳақида қандай маълумотларни билиб олдингиз?
2. Сиз Тоҳирнинг ўрнида бўлсангиз, нима қилар эдингиз?
3. Томчининг саргузаштлари ҳақида сўзлаб беринг.
4. “Тегирмонтош” эртагининг мазмунидан сувнинг яна қандай аҳамиятини билиб олдингиз?
5. Булоқ ҳақидаги ривоятни ўқиб, қандай хулосага келдингиз?
6. Сиз сувнинг тозалигини асраш учун нима қилиш керак деб ўйлайсиз? Ўзингиз нималар қиляпсиз?
7. Сув ҳақида билган шеър ва мақолларингизни айтиб беринг.



2

Суҳбатлашайлик.

Сув ҳақида ўзингиз тўплаган маълумотларингиз юзасидан дўстларингиз билан суҳбатлашинг.



3

Ўйнайлик.

Бўш катакларга бўғинлардан мосини қўйиб янги сўзлар ҳосил қилинг.

жил		зал
сув		нор
ан		дик
том		зик
кўл		таб

Фойдаланиши учун бўгинлар: ға, чи, ҳор, мак, чи.



4

Аниқлайлик.


Сувнинг аҳамияти ва зарари ҳақидаги фикрларингизни Венн диаграммасида ёритинг.



5


### Аниқлайлык, ёзайлик.

Харитага қаранг. Ватанимиздаги йирик сув ҳавзаларини аниқланг ва уларнинг номларини дафтaringизга ёзинг.



6

Расмни кузатинг. Расм асосида “Сувдаги эҳтиёткорлик” мавзусида ҳикоя тузинг.





VIII бўлим

Маданий ҳордик чиқариш.  
Байрамлар



## БАХТИЁРЛАР ҚҰШИҒИ



1

Үқийлик.

Қүшиқ матнини ифодали үқинг.

### Бахтиёрлар құшиғи

Ш.Дадаев

Күли гул мард ёшлармиз  
Улғаямиз бахтиёр.  
Она-Ватан қўйнида  
Не истасак бари бор.

Бу ўлкада баҳордек  
Яшаймиз эркин, қувноқ.  
Каттакон оиланинг  
Фарзандлари дўст – иноқ.  
  
Биримиз ёш пахтакор,  
Боғбон, чўпон, курувчи.

Архитектор, бастакор,  
Рассом, шоир, ўқувчи.

Ер юзида тинчликнинг  
Енгилмас посбонимиз.  
Асроймиз кўз нуридек  
Еримиз, осмонимиз.

Кўли гул мард ёшлармиз  
Улғаямиз бахтиёр.  
Она-Ватан қўйнида  
Не истасак бари бор.





2

### Сўзлашайлик.

- Шеър кимлар ҳақида ёзилган?
- Шеърдаги болаларнинг кайфияти ҳақида нима дея оласиз?
- Қўшиқни оҳанги билан дўстларингиз билан биргаликда куйланг.
- Қўшиқ айтишни маданий ҳордиқ чиқариш деб ўйлайсизми? Нима учун?
- Қўшиқ матнини ёд олинг.



3

**Ўқийлик. Ҳазил шеърни ифодали ўқинг.**

### Томошахонада

*H.Кодиров*

– Бизлар кўролмаяпмиз!  
Қуёнлар бўлди хафа.  
– Орқага ўтиб кўрсин  
Безбет икки Жирафа!



4

### Аниқлайик.

- Ҳайвонлар нимани томоша қилишаётган бўлиши мумкин?
- Нима учун қуёнлар хафа бўлишиди?
- Сиз ҳам маданий ҳордиқ чиқариш учун театрга ёки кинохонага боргандисиз?



5

### Изланайлик.

Энциклопедиядан маданий ҳордиқ чиқариш ўринлари ва улардаги тартиб – қоида ҳақида маълумот тўпланг ва ўртоқларингизга таништиринг.

томушахона  
архитектор  
бастакор

63

## КИТОБ ЎҚИШ ҚАНДАЙ ЯХШИ



1

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

### Китоб ўқиш қандай яхши

Олқор Дамин

Боғ оралаб юрган каби  
Завққа тўла одам қалби.  
Кулимсирап кўз-у лаби,  
Китоб ўқиш қандай яхши.

Билмаганин билиб олар,  
Ақллироқ бўлиб олар,

Кўп ўқиган қилмас зарар,  
Китоб ўқиш қандай яхши.

Кундалиги “5” га тўлар,  
Зеҳни ортиб, кучга тўлар,  
Ўқимаган қандай билар,  
Китоб ўқиш қандай яхши.





2

### Сўзлашайлик.

- Шеър нима ҳақида экан?
- Китоб ўқиши қандай аҳамиятга эга деб ўйлайсиз?
- Шеърнинг биринчи банди мазмунини ўз сўзларингиз орқали тушунтириб беринг.
- Сиз ҳам китоб ўқишига қизиқасизми?
- Китоб ўқиганингизда маданий ҳордиқ оласизми?
- Шеърни ёд олинг.



3

### Билиб олайлик.

Аниқланишича, дунёда ҳар куни ярим миллион китоб чоп этилар экан.

Шунчалик кўп китоблар орасида ўқиши учун зарур бўлган китобларни қандай танлаб олиш мумкин?

Бунда сизга ота-онангиз, ака-опаларингиз, ўқитувчиларингиз ва ниҳоят кутубхоначи ёрдам бериши мумкин.

Китоб ўқиши маданиятини ҳам билиш керак. Масалан, кўчада кета туриб, ўринда ётган ҳолда, транспортда кетаётганда китоб ўқиши мумкин эмас. Ёки қизиқсан китобни туни билан шунингдек, дастурхон устида ўқиши ҳам тўғри бўлмайди.

Китобни қунт билан ўқиши керак, акс ҳолда, китобга ҳурматсизлик бўлади. Демак, китоб танлашни ҳам, ўқиши маданияти ва қоидаларни ҳам яхши билиб олиш зарур экан.



4

### Суҳбатлашайлик.

- Китоб ўқиши маданияти ҳақида нималарни билиб олдингиз?
- Сиз қандай китобларни ўқишига қизиқасиз?



5

### Изланайлик.

- Дўстларингиз билан ўқиган китобларингизни тўплаб, синфингизда кичик кутубхона ташкил этинг.
- Олиб келган китобларингизни ўз турлари бўйича жойлаштиринг.
- “Ёш китобхонлар” кечасини уюштиринг.

чоп этилар  
қунт билан

## МАЪНАВИЯТЛИ ХАЛҚНИ ЕНГИБ БЎЛМАЙДИ



1

Ўқийлик.  
Ривоятни ўқинг.

### Маънавиятли халқни енгиг бўлмайди

(Ривоят)

Қадим ўтган замонда бир қудратли хон бизнинг халқимизни ўзига бўйсундиришга аҳд қилади. У сонсаноқсиз аскарларни чегарамизга келтириб қўяди. Сўнг бир неча кишини қошига чорлаб:

– Билиб келинглар-чи, уларнинг қанча кучи бор экан? – дебди.

Улар қайтгач, хон ўз ҳузурига вазирларини, саркардаларини чақиртирибди.

– Хўш, нима гап? Қани гапиинглар-чи! – дебди хон.

– Биз жуда кўп жойларда бўлдик, – дебди улардан бири. – Бир гал катта зиёфатнинг устидан чиқиб қолдик. Халқнинг ҳукмдори ҳам ўша ерда эди. Зиёфат авжига чиққан паллада ўтовга дўмбира ушланган ўн олти ёшлар чамасидаги ўсмир кириб келди. Тўрда ўтирган ҳукмдор нарироқ силжиб, ҳалиги болага ёнидан жой берди. Биз бундай ҳолдан ҳайрон бўлиб: “Бир ёш болага намунча иззат – икром кўрсатилмаса?!” – деб сўрадик ёнимиздагилардан. “Ахир, у бизнинг шоиримиз-ку!” – деб ғуур билан жавоб қайтаришди улар.

– Агар уларнинг ҳукмдори шу даражада аҳмоқ бўлса, демак, биз уларни осон енгишимиз мумкин! – дебди буни эшитган саркарда кўзлари чақнаб.

Шу пайтгача миқ этмай ўтирган хон саркардага бошдан оёқ синчковлик билан назар ташлабди-да:

– Йўқ! – дебди. – Аскарларни орқага қайтаринг!  
Ўзининг маънавий бойлигини бу қадар эъзозлайдиган, маданияти бу қадар юксак тараққий этган халқни асло енгиб бўлмайди.



2

### Сўзлашайлик.

1. Ривоят нима ҳақида экан?
2. Хон нега жанг қилишдан воз кечди?
3. Қандай халқни енгиб бўлмас экан? Нима учун?
4. Ўзингизни қачон маданиятли ва маънавиятли дея оласиз? Бунинг учун нима қилиш керак?



3

### Келинг, кулишайлик.

- Ойижон, мен бугун яхши жавоб бердим.
- Қандай жавоб?
- Ўқитувчимиз қушларнинг оёғи нечта, деб сўрадилар.
- Сен нима деб жавоб бердинг?
- Учта дедим.
- Ахир қушларнинг оёғи учта бўлмайди-ку!
- Тўғри, лекин бошқа болалар тўртта дейишди-да.

\* \* \* \*

- Сен қушларни яхши биласанми?
- Ҳа, албатта!
- Анави симга қўниб турган қушларнинг қайси бири чумчук, қайси бири саъва?
- Буни билиш қийин әмас, чумчуқнинг ёнидагиси саъва бўлади.

маънавиятли  
чорлаб  
ҳукмдор  
паллада  
силжиб  
иззат – икром  
ғуур билин  
синчковлик  
тараққий этган



Ўқийлик.  
Матнни ўқинг.

### Ҳаракатли ўйинлар

Сиз дам олиш ва бўш вақтларингизда ўйинлар ўйнайсиз. Бу ўйинлар бир қарашда содда, жўн гап-сўзлар, ҳаракатлардан иборат бўлса-да, ҳар бир ўйин сизнинг ҳушёр, ақлли, ростгўй, дўстга содик, чаққон, соғлом ва кучли бўлиб ўсишингизда жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Қадим замонда Юз қабиласида Зебихон деган гўзал қиз учтадан тўптошни олиб, бешга бўлиб ўйнаган экан. Зебихон “Учтаси тўптош” ўйинига бағишлиб, байтлар ҳам битган экан. Бу ўйинни асосан қизлар ўйнаган.

Ботмон – ботмон,  
Тўптош – ботмон,  
Ботмон – нечта,  
Ботмон – бешта.



Бундан ташқари, Зебихон ўртоқлари билан, “Тер – гулим – терма гулим”, “Холакам”, “Меҳмон-меҳмон” ўйинларини ҳам ўйнаган экан. Ўйин пайтида у жуда ҳам хушмуомала, зеҳнли бўлган, ўртоқларини ҳам

шунга ундаған. Негаки, ўйинда аразлаш, бақириш одобдан бўлмаган.

## Оппоқ-оппоқ, оқ кўраклар

(Айтишма ўйин)

– Оппоқ-оппоқ, оқ кўраклар,  
Кўм-кўк, кўм-кўк,  
Кўк кўрак.

Биздан сизга ким керак?

– Ўзи аъло ўқийди,  
Тартиби ҳам одобли.  
Ҳаммани севар,  
Тикишда чевар.  
Барчадан чаққон,  
Ҳаммага ёққан,  
Гўзал Озода керак.



2

### Сўзлашайлик.

1. Нима учун болалар ўйин ўйнайдилар?
2. Зебихон қандай ўйинлар ўйнаган экан?
3. Ўйин ўйнаш маданий дам олишга кирадими? Нима учун?



3

### Ўйнайлик.

Ўртоқларингиз билан ўзингиз билган ўйинларни ўйнанг.



4

### Аниқлайлик.

Бобо-бувиларингиз, ота-оналарингиз-дан хотираларида қолган ўйинларини сўраб-суриштиринг ва билиб олинг.

жўн  
ҳушёр  
тўптош  
байтлар  
ботмон  
кўрак

66

1

## ОНАМЛАРНИНГ БАЙРАМИ

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

### Онамларнинг байрами

*Муҳаммад Али*

Бугун турсам эрталаб,  
Катта байрам бўлибди.  
Дарча-ю токча олди  
Гуллар билан тўлибди.

Анов катта гулдаста –  
Дадамларнинг совфаси.  
Ановиси – опамлар,  
Акамларнинг совфаси.

Байрам билан қутлай деб,  
Салом бериб онамга  
Оппоқ бодом дарчадан  
“Қўл” чўзади хонамга.

Ариқларнинг лабида  
Кўкарибди ўт-ўлан.  
Ҳовлимиз бўлди обод  
Сайроқи қушлар билан.

Бари, бари онамни  
Байрам билан қутлашар.

Онам шундай улуг зот,  
Онажоним күп яшар!

Сенинг совғанг не, дерсиз,  
Фамимни еб қўйганман:  
Онамларни қутлай деб,  
Ўнта “5” об қўйганман!



2

Сўзлашайлик.

- Шеър қайси байрам ҳақида ёзилган?
- Онага кимлар, нималар қандай совға тайёрлашибди?
- Бола онасига қандай совға тайёрлабди?
- Сиз 8 март байрамини қандай нишонладингиз?
- Онангизга қандай совға бердингиз?
- Она ҳақида мақол ва шеър айтинг.
- Яна қандай байрамларни биласиз?



3

Ёдда туting.

## Қозоғистон Республикасидаги байрам кунлари

1 январь	— Янги йил байрами
8 март	— Халқаро хотин-қизлар куни
22 март	— Наврӯз байрами
1 май	— Қозоғистон халқларининг бирлиги байрами
7 май	— Ватан ҳимоячилари куни
9 май	— Фалаба куни
30 август	— Конституция куни
1 декабрь	— Тўнгич Президент куни
16 декабрь	— Қозоғистон Республикасининг мустақиллик куни



4

Сұхбатлашайлик.

Ватанимиздаги байрамларнинг  
мазмуни ва моҳияти ҳақида  
дўйстларингиз билан сұхбатлашиңг.

токча  
дарча  
ҳимоячи  
моҳияти

## ҒАЛАБА БАҲОРИ



1

Ўқийлик.

Шеърни ифодали ўқинг.

## Ғалаба баҳори

Уйғун

Улуг Ватан, гўзал табиат,  
Оро берар яна ўзига.  
Қўшиқ айтгим келади яна,  
Қулоқ солиб қушлар сўзига.  
Зотан бутун борлиқ, коинот,  
Қўшиқ айтар севинчга тўлиб,  
Табиатнинг бутун овози,  
Эшитилар бир қўшиқ бўлиб.  
Сойда сувлар, сахрода еллар.  
Қўшиқ айтар озод насллар,  
Ҳукуқ олган аймоқлар, эллар.  
Қўшиқ айтар кўкда лочинлар,  
Ерда ёвни яксон этганлар.  
Қўшиқ айтар ғолиб ва мағрур,  
Берлин кўчасидан ўтганлар.





2

### Сўзлашайлик.

- Шеърда қайси байрам ҳақида ёзилган?
- Шеърдаги “Зотан бутун борлиқ, коинот, Қўшиқ айтар севинчга тўлиб” мисраларининг мазмунини қандай тушунасиз?
- Шеърда яна кимлар, нималарнинг шодликдан қўшиқ айтилишлари ҳақида айтилган?
- Бу йил Фалабанинг неча йиллигини нишонлаймиз?
- Шеърни ифодали ўқинг.



3

### Ёзайлик.

Шеър мазмуни асосида бизнинг баҳтли келажагимиз учун курашиб жон фидо қилган боболарга бағишлаб эссе ёзинг.



4

### Изланайлик.

Интернет тармоқларидан Улуг Ватан уруши ҳақида маълумотлар тўпланг ва ўртоқларингизга таништиринг.



5

### Аниқлайлик.

Расмларга қаранг. Қандай байрам тасвирланганини аниқланг.



оро берар  
зотан  
аймоқлар  
яксон  
Берлин

## АЪЛО ЎҚИДИНГИЗ, АЪЛО ДАМ ОЛИНГ!



1

Шеърни ифодали ўқинг.

### Аъло ўқидингиз, аъло дам олинг!

*Илёс Муслим*

Шифоли нур сочиб, олтин ёз келди,  
Бошланди ҳар ёққа сайр-саёҳат.  
Ўлкамиз кўркини қутлаб ёз келди,  
Қизир оромгоҳда шод истироҳат.

Кузда, қишида, баҳорда қунт-ла ўқиб,  
Яна бир довонни ошди болалар.  
Уларнинг қувончли қўшиғин ўқиб,  
Ёзди кенг қучоғин гулзор, далалар.

Дунёда энг баҳтли, эй ўғил-қизлар,  
Хушҳаво жойларда кузгача қолинг.  
Сизларни кузатдик оромга бизлар,  
Аъло ўқидингиз, аъло дам олинг!





2

### Сўзлашайлик.

1. Шеърда қайси фасл тасвирланган?
2. Шоир шеърда сизга нима деяпти? Нима учун?
3. Сиз ёзги таътил давомида нима қиласиз? Ўз режаларингизни дўстларингизга сўзлаб беринг.
4. Шеърни ёд олинг.



3

### Келинг, кулишайлик.

#### Шифокор bemor болага:

- Мана бу дорини ҳар куни етти чой қошиғида ичасиз.
- Бундай қилолмайман, доктор, уйимизда бор – йўғи олтита чой қошиғи бор, холос.



4

### Савол биздан, жавоб сиздан.

1. Бўлимни ўрганиш давомида қандай янги маълумотларни билиб олдингиз?
2. “Маданий ҳордик чиқариш” деганда нималарни тушундингиз?
3. “Китоб ўқиш қандай яхши” шеърини ёдлаб беринг.
4. Қозоғистон Республикасидаги байрам кунларини айтинг. Улар ҳақида билганларингизни сўзлаб беринг.
5. “Фалаба баҳори” шеърини ифодали ўқинг.



5

### Суҳбатлашайлик.

Дўстларингиз билан ўзбек милий ўйинлари ҳақида суҳбатлашинг ва ўйнанг.



6

### Ёзайлик.

“Ёз – дам олишга соз” мавзусида режа тузинг ва тузган режангиз асосида ҳикоя ёзинг.

шифоли  
истироҳат  
сайр-саёҳат  
қунт-ла  
хушҳаво

## МУНДАРИЖА

### I бўлим. “Жонли табиат”

1. Илк сабоқ.....	4
2. Табиатни авайлаймиз .....	6
3. Барглар нега сарғаяди?.....	8
4. Куз фасли.....	10
5. Қовун сайли .....	12
6. Фалати овчи .....	14
7. Асалари билан пашша .....	16
8. Ажойиб баҳс.....	18
9. Қизиқарли олам.....	20
10. Бўлим юзасидан такрорлаш .....	20

### II бўлим. “Нима яхши-ю, нима ёмон”

11. Нима яхши-ю, нима ёмон .....	26
12. Виждони пок бола .....	28
13. Чин ва ёлғон.....	30
14. Тўлаб бер .....	32
15. Қиз бола фазилати .....	34
16. Тўгрининг кўнгли тўқ .....	36
17. Саломлашиш одоби .....	38
18. Озор берма .....	40
19. Аҳил дўстлар.....	42
20. Бўлим юзасидан такрорлаш .....	44

### III бўлим. Вақт

21. Соат.....	48
22. Вақтнинг қадри .....	50
23. Вақтнинг ҳажми қанча? .....	52
24. Айрилганни... .....	54
25. Унутмайман .....	56
26. Келажакнинг ўзисиз.....	58
27. Бўлим юзасидан такрорлаш .....	60

#### **IV бўлим. Меъморчилик**

28. Истиқлол .....	64
29. Ҳунар ўрган .....	66
30. Қекса кулол ва шогирд .....	68
31. Қалдирғоч уяси.....	71
32. Бахс.....	73
33. Минора .....	75
34. Бўлим юзасидан такрорлаш .....	77

#### **V бўлим. Санъат**

35. Янги йил.....	80
36. Қорни ким кураган? .....	82
37. Ижод дарахти .....	84
38. Рассом бола .....	86
39. Миллати йўқ наво .....	88
40. Олтин мерос .....	91
41. Фарангиз.....	93
42. Бўлим юзасидан такрорлаш .....	95

#### **VI бўлим. Буюк сиймолар**

43. Алишер Навоий .....	98
44. Ибрай Алтинсарин .....	100
45. Ибн Сино.....	102
46. Абай Қунанбаев .....	104
47. Амир Темур.....	107
48. Мухтар Аvezov .....	110
49. Донолар ўгити .....	113
50. Абу Райхон Беруний .....	116
51. Миртемир.....	119
52. Музаффар Алимбаев .....	121
53. Омонлик, ҳей омонлик .....	123
54. Бўлим юзасидан такрорлаш .....	125

## VII бўлим. Сув – тириқлик манбаи

55. Зилол сув .....	128
56. Сув .....	131
57. Томчи ҳақида эртак .....	133
58. Ёмғир .....	136
59. Тегирмонтош .....	138
60. Булоқ .....	140
61. Бўлим юзасидан такрорлаш .....	142

## VIII бўлим. Маданий ҳордиқ чиқариш. Байрамлар

62. Бахтиёрлар қўшиғи.....	146
63. Китоб ўқиши қандай яхши .....	148
64. Маънавиятли халқни енгиб бўлмайди .....	150
65. Ўзбек миллий ўйинлари .....	152
66. Онамларнинг байрами .....	154
67. Фалаба баҳори .....	156
68. Аъло ўқидингиз, аъло дам олинг!	158

*Учебное издание*

**Махбуза Окрамовна Мусаева  
Зарифа Исламшиковна Аташикова  
Нигара Октамбаевна Шамадиева**

## **Адабий ўқиши**

**Умумтаълим мактабларининг  
3-синфи учун дарслик**

*(на узбекском языке)*

Редактор	<i>Г.Б. Алимходжаева</i>
Художественный редактор	<i>С.М. Сулейманов</i>
Техн. редактор	<i>З. Башанова</i>
Дизайн	<i>Г.А. Утеновой</i>
и компьютерная верстка	

ИБ №7365

Подписано к печати 17.05.2018 г. Формат 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Бумага офсетная. Гарнитура «SchoolBook Kza». Печать офсетная.  
Физ. печ.л. 10,25. Усл. печ.л. 17,22. Усл. кр. от. 68,88.  
Тираж 7000 экз. Заказ №



Қазақстан Республикасы “Жазушы” баспасы, 050009.  
Алматы қаласы, Абай даңғылы, 143-үй.  
E-mail: Zhazushi@mail.ru

ISBN 978-601-200-604-9

A standard 1D barcode representing the ISBN 978-601-200-604-9. The barcode is composed of vertical black bars of varying widths on a white background.

9 7 8 6 0 1 2 0 0 6 0 4 9